БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
23 январь
Сешанба
№ 16 (13.452)
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз Озарбайжон билан Арманистон ўртасида узоқ давом этиб келаётган миллатлараро можаронинг гувоҳларимиз. Бу ерда вужудга келган кескинлик тўхташ ўрнига, вақт-вақти билан авж олиб, ҳар сафар оғир оқибатларга олиб келаётганидан ҳаммамиз қаттиқ ташвишланяпмиз.

Кейинги икки йил мобайнида марказий ҳокимият органлари сабр-тоқат ва вазминлик билан ҳаракат қилишга интилиб келдилар, мураккаб муаммоларни фақат тинч сиёсий воситалар билан ҳал этишга ҳаракат қилдилар.

Ўртоқларча мулоқот, СССР Олий Советидаги, партия Марказий Комитетидаги, ҳукуматдаги муҳокамалар, СССР халқ депутатларининг сафарлари, иккала республика раҳбарлари билан, депутатлар билан Москвада бир неча бор ўтказилган учрашувлар — мана шуларнинг ҳаммаси иноқликка эришиш, яхши қўшничилик, қолаверса, оддий инсоний муносабатларни тиклаш, вужудга келган мушкул аҳволдан қутилиш иложини топиш ва пировард натижада, Тоғли Қорабоғ теварагидаги аҳволни нормаллаштиришдан иборат ягона мақсад йўлида фойдаланилди.

Шундай иш тутар эканмиз, зўравонлик, душманлик, можаронинг давом этиши ҳеч бир яхшиликка олиб бормаслигига, балки фақат вазиятни, баттар мушкуллаштиришга, янада кўпроқ одамларнинг қурбон бўлишига, янада кўпроқ зўравонлик қилинишига олиб боради, деган ишончга асосландик.

Афсуски, иккала республиканинг партия, совет, давлат органлари мана шундай шароитда муносиб даражада масъулият ва вазминлик кўрсатмадилар, кўпинча миллатчи гуруҳларнинг тазйиқи остида принципиал позицияларни бой бериб ҳам қўйдилар.

Кейинги вақтларда ҳам шундай бўлди, Арманистон ССР Олий Совети ва Озарбайжон ССР Олий Совети сессияларида СССР Конституциясига зид бўлган қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар вазиятни нормаллаштиришга кўмаклашиш бир ёқда турсин, балки, аксинча, вазиятни кескинлаштирди, қарама-қаршиликни кучайтирди.

СССР халқ депутатларининг II Съезди минбаридан алоҳида куч билан янграган ақл-идрок овозига ҳам иккала томон қулоқ солмади.

Мана шу вазиятдан жамиятга, халққа қарши бўлган унсурлар фойдаланиб, душманликни янада авж олдириш ва можарони кучайтиришга киришдилар. Айниқса, чегара районларида ва биргаликда яшаш районларида қуролли тўқнашувлар бошланди.

СССР Олий Совети Президиуми шу йилнинг 15 январида Тоғли Қорабоғ автоном областида ҳамда Озарбайжон билан Арманистоннинг бошқа баъзи районларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида Фармон қабул қилишга мажбур бўлди.

Мана шу чора зўравонликни тўхтатиши, ўз халқларини бош-бошдоқлик ва азоб-уқубат гирдобига дучор қилган экстремистларнинг, халқ фронтлари раҳбарларининг эсини жойига келтириб қўйиши лозимдек эди.

Бироқ ақл-идрок овози, совет жамоатчилигининг, мамлакатимиз барча халқларининг овози бу сафар ҳам назарписанд қилинмади.

Мулоқотга, иноқликка, сабр-тоқатга қилинган даъватлар эътиборсиз қолди.

Бунинг устига, жангари миллатчи амалпарастлар вазиятни кескинлаштиравердилар, қуролли отрядларни тузавердилар, йўлларни, аэропортларни тўсиб қўйишга киришдилар. Ҳарбий хизматчиларга, қурол-яроғ омборларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тез-тез ҳужум қилина бошлади.

Бундай ҳаракатлар: ур-йиқитлар, қотилликлар, ҳеч бир гуноҳсиз кишиларни ўз уйларидан республика ташқарисига ҳайдаб юбориш ҳоллари Бокуда, айниқса, фожиали тус олди.

Озарбайжондаги экстремист кучларнинг хатти-ҳаракатлари тобора ошкора равишда давлатга қарши, Конституцияга қарши ва халққа қарши тус олаверди.

Бир қанча жойларда қонуний ҳокимият органлари зўравонлик билан ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириб қўйилди, бошқарув структуралари бузилди

Юзлаб километрдаги давлат чегарасида инженерлик-техника иншоотлари вайрон қилинди. Республикада ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олиш вазифаси мутлақо яширилгани ҳам йўқ.

Ортиқ бундай давом этиши мумкин эмас эди. Мамлакатда бегуноҳ қурбонларга чуқур ҳамдардлик билан бирга жиноий хатти-ҳаракатлардан, шафқатсиз, зўравонлик, ваҳшийлик, қонунларни оёқ ости қилиш фактларидан қаҳр ва ғазаб кучайиб борди.

Совет кишилари мамлакат раҳбариятидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни тиклаш, одамлар турмушининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кескин чоралар кўришни асосли равишда талаб қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Бокуда фавқулодда ҳолат эълон қилинганини, шаҳарга Ички ишлар министрлигининг қўшинлари ва Совет Армиясининг бўлинмалари киритилганини биласизлар.

Улар энг муҳим объектларни ишғол қилдилар, давлат муассасаларини назорат остига олдилар, ур-йиқитчиларга қарши, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва гиж-гижловчиларига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Жиноятчи унсурлардан ўқ отиш қуроли ва ўқ-дори тортиб олинмоқда. Минг афсуски, одамлар қурбон бўлди. Баъзи жойларда ҳарбий бўлинмаларни террорчилар ўқ отиб кутиб олдилар ва ҳарбий бўлинмалар қурол ишлатишга мажбур бўлдилар.

Бугун кимнингдир уйига кулфат тушди. Мен бу оилаларга энг самимий ҳамдардлигимни изҳор этаман.

Бокудаги, Озарбайжон ва Арманистоннинг чегара районларидаги, Кавказ ортининг бошқа районларидаги фожиали воқеалар миллатчиларча ҳаддан ошиш, муқаддас миллий туйғуларни рўкач қилиб, ундан фойдаланишга уриниш уларнинг оқибати нима бўлишини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Одамларни кўр-кўрона нафратга, телбаларча биродаркушлик урушига судраш жиноятдир.

Давлатнинг бурчи — бедодликка ва ғайриинсонийликка чек қўйишдан, инсоний қиёфадан маҳрум бўлган, ўзларининг шахсий нафсониятлари, ғаразли мақсадлари, ҳокимиятга интилишлари йўлида бошқаларни қурбон қилишга тайёр турган экстремистларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари пайини қатъият билан қирқишдан иборат.

Давлатнинг бурчи — одамларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан, иккала республиканинг халқларига эркин, демократик ривожланиш, нормал меҳнат қилиш, осойишта яшаш, болаларни тарбиялаб ўстириш имкониятини яратиб беришдан иборат.

Совет Армияси билан Ички қўшинларнинг солдат ва офицерлари СССР Конституциясини ва қонунни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз бурчларини бажармоқдалар.

Раҳбарият кўрилган чораларни мамлакатимизнинг барча халқлари тушуниб, қўллаб-қувватлашларига умид қилади.

Шу дамларда Озарбайжон ва Арманистоннинг барча гражданларини ақл-идрок ва мулоҳазакорлик кўрсатишга, иғвогарона шиорлар ва ҳаракатларга учмасликка чақираман. Барча алданганларни, чалғитилганларни ёки зўравонлик билан жиноий ҳаракатларга тортилганларни эс-ҳушини йиғиб олишга, ўйлаб кўриб, хатони тушунишга ва беҳуда ҳаракатларни бас қилишга чақираман.

Гражданларнинг тинчлигини тиклашга, зиммамизга тушган синовларни биргаликда бартараф этишга ҳаммангизнинг ҳар томонлама кўмаклашишларингизни сўрайман.

Мулоҳазакорлик ва масъулият тантана қилиб, устун бўлиб чиқишига ишончим комил.

Ҳозир бизга умуммиллий иноқлик, мустаҳкам ҳамкорлик, давлатимиз барча халқларининг яхшироқ турмуши йўлида бир-бирига кўмаклашиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини бутун мамлакатда бўлганидек, Озарбайжон ва Арманистонда ҳам жуда катта эътибор билан кутиб олдилар. Ушбу республикаларда рўй бераётган воқеалар ҳар бир совет кишисини ташвишга солмоқда.

Бокудаги, бутун республикадаги аҳвол ҳали ҳам ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Ўз режалари барбод бўлганлигини тан олишни хоҳламаётган «Халқ фронти» раҳбарлари ва улар таъсиридаги жамоатчилик вакиллари, бир қанча ҳолларда эса маҳаллий идораларнинг ходимлари ҳам васвасани авж олдиришни давом эттиришмоқда, одамларни Совет Армиясига қарши қўйишмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда ҳарбий маъмурлар тартиб ўрнатиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Боку ҳарбий коменданти 21 январь куни шаҳар аҳолисига радио орқали мурожаат қилди. «Ҳурматли бокуликлар, — деди у. — Ҳарбий ҳолат эълон қилиниб, комендантлик соати жорий этилганидан сўнг бир кун ўтди. Бугун кечаси тинчлик бўлди. Ички қўшинлар ва армия бўлинмалари ҳукумат қўйган вазифаларни бажаришга киришдилар. Энг муҳими жиноятлар ва экстремизмнинг пайини қирқишдир. Бокуликларнинг кўпчилиги бундай тадбирларни тушуниб, унга яхши муносабатда бўлмоқдалар. Муҳолифликнинг давом этиши одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда». Ўтган кеча-кундузда бир қанча ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларни жойлаштириш ва уларга ажратилган позицияларни мустаҳкамлаш юзасидан ишлар қилинди. Катта бир гуруҳ жиноят содир этишда гумон қилиниб, қўлга олинди. Булар орасида «Миллий мудофаа комитети» деб аталмиш комитет аъзоси Ш. Г. Оғаев бўлиб, унинг ёнидан қурол топилди.

«Халқ фронти» вакиллари ҳали ҳам қатъий равишда миллатчилик йўлидан боришмоқда. Масалан, Озарбайжоннинг Куткашен районидаги Ниж қишлоғида олти минг нафар удинлар яшайди. Улар ана шу элатни бутунлай йўқ қилиб ташлаймиз, деб қўрқитмоқдалар.

Степанакерт шаҳрида «Советский Карабах» газетаси муҳарриринининг ўринбосари, «Тоғли Қорабоғ автоном области миллий кенгаши» деб аталмиш кенгаш аъзоси А. А. Гукасян ва кооператор А. А. Григорян миллатлараро адоватни авж олдирганлиги учун маъмурий тартибда ушландилар. Тоғли Қорабоғ автоном областининг арман аҳолиси умуман бундай тадбирларга ижобий муносабатда бўлмоқда. «Бундай ҳаёт ҳамманинг жонига текканлиги сабабли» маъмурлар аллақачоноқ қатъий ҳаракат қилишга ўтишлари керак эди, деган фикрлар билдирилмоқда.

Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги чегарада, бўри дарвозаси деб аталган ерда арман террорчилари Озарбайжон қишлоғини ўққа тутишди. Фуқаролардан 12 киши ўлдирилди. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари бўлинмалари аралашгандан кейингина янада кўпроқ қон тўкилишининг олди олинди. Бу ваҳшиёна жиноятни баъзи кишилар, шу жумладан, унга алоқадор шахслар ҳақиқатга қарши ўлароқ ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, отишмани тўхтатган ҳарбий хизматчиларга тўнкашга уринаётганликлари фуқароларнинг ғазабини қўзғатмоқда.

Арарат районида турли норасмий ташкилотларнинг жангарилари ўртасида раҳнамолик учун ур-йиқит бўлмоқда. «Арман умуммиллий ҳаракати» баъзи раҳбарларининг қуролни топширмаслик ҳақидаги чақириқлари бу қуролларнинг анчагина қисми жиноятчи унсурлар қўлига тушиб қолишига олиб келмоқда ва республика аҳолисига қарши ишлатилмоқда.

Экстремист унсурлар ҳарбий хизматчиларга дўқ-пўписа қилиб, уларнинг Арманистондан чиқиб кетишларини талаб этмоқдалар.

Давлат чегарасидаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Пришиб ва Ленкорань чегара отрядларининг айрим ерларида Озарбайжон ва Эрон аҳолисининг оммавий равишда чегарадан ўтиши давом этмоқда.

Айни вақтда давлат чегарасининг Нахичеван участкасида аҳвол бир мунча барқарорлашганлиги кузатилмоқда. Астара шаҳрида Совет ва Эрон чегара комиссарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда давлат чегараси режимини таъминлаш борасидаги тадбирлар белгиланди. Чегара қўшинларининг 200 дан ортиқ сиёсий ходими ва партия фаоллари чегарада рўй берган танглик сабабларини ва ундан қутилиш тадбирларини аҳолига тушунтириш билан шуғулланишмоқда.

Ички қўшинларнинг бўлинмалари, Совет Армияси ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети қисмлари вазиятни барқарорлаштириш, қонунни ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш борасида катта ғайрат билан иш олиб боришмоқда.

(ТАСС).



Маъмура Ҳусанова Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясидаги Абдуғани Олимов номли 26-ўрта мактабда таҳсил олади. У ўқув даргоҳида ўзининг аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан тенгдошларидан ажралиб туради. Маъмура (суратда) Ленин комсомолининг XXI съезди делегати.

Суратчи Аъзамжон МИРЗАЖОН.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАХТИ УЧУН

В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Озарбайжон ҳамда Арманистон хотин-қизлари ва эркакларига мурожаатнома қабул қилди. Қадрдон ватандошлар, юртдошлар, оталар ва оналар, бувалар ва бувилар қайғу-аламимизни сизга изҳор этаяпмиз, дейилади унда. Бу — кечагина қўшни, дўст, қондош бўлмаса-да, қалби яқин оға-ини деб ҳисобланган кишиларга нисбатан ғазаб ва нафрат билан ўз ҳаётида биринчи бор юзма-юз тўқнашган бизларнинг ва сизларнинг фарзандларимиз ҳамда набираларимиз учун чекилаётган изтиробдир.

Кечагина болаларимиз бир заминда, бир умумий хонадонда яшаб, биргаликда ўқиётган, бирга ўйнаётган, бирга ўсаётган эдилар. Улар ўз ораларида ким рус, ким армани, ким озарбайжон эканлиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтиришмасди. Улар одамларни «ўзимизники» ва «душман» деб ажратишни билишмасди. Фарзандларимиз бахтиёр эди.

Бугун ёш озарбайжон ўзининг армани тенгдошига изоҳлаб бериш қийин бўлган нафрат билан қараётгани учун ким айбдор? Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ҳаёти доимо хавф остида турганлиги учун ким айбдор? Кўр-кўрона ғазаб рўпарадаги ким! Ёш болами ёки катта одам эканлигини фарқламайди. Ўтган ойлар тажрибаси бу сўзларнинг қанчалик ҳақ эканлигини аниқ исботлаб берди. Сиз, болаларнинг ота-оналари, бува ва бувилари душманлик кайфиятига эрк берганлигингиз сабабли ҳозир, иккинчи минг йиллик охирида фарзандларимиз бошпанасиз, меҳр-оқибатсиз, келажаксиз қолаётганлари учун ким айбдор?

Ким айбдор эканлигини вақт кўрсатади. Лекин болалар биз ўйлаганимиздан кўра, биз истаганимиздан кўра тезроқ улғаймоқдалар, улар юракларида битиши қийин бўлган ғазаб яраси билан келажак сари бормоқдалар, ғазаб эса юракларни нобуд қилади, улардаги муҳаббатни, ишонч ва умидни йўқотади.

Эсингизни йиғинг! Тўхтанг! Фарзандларингиз саломатлиги ва бахтини ўртага қўйиб сўраймиз сиздан! Ўйлаб кўринг, наҳотки сиз улар учун ана шундай келажакни орзу қилган бўлсангиз, уларга муҳаббатсиз, умидсиз, ишончсиз келажакни, бутун дунё қора ва оққа, «ўзимизникилар» ва «бегоналар»га «пок» ва «нопок»ларга ажратилган келажакни тиласангиз?

Ҳозирнинг ўзидаёқ қон тўкилаяпти, наҳотки ақл-идрок ғалаба қозониб омон-омон замонлар келгунига қадар бу қон дарё бўлиб оқиши лозим бўлса?

Эс-ҳушни йиғиб олиш, орқага назар ташлаб фарзандларингиз сизларга ишонч, меҳр ва умид тўла кўзларини тикаётганликларини кўриш учун ҳали ҳам кеч эмас, дейилади мурожаатнома сўнггида.

(ТАСС).

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, одамлар турмушини яхшилаш—шу куннинг вазифаси

ШАҲАР ПАРТИЯ—ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН

Илгари хабар берганимиздек, республикамиз пойтахтида шаҳар партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлган эди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Тошкент аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991—1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасида партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинганди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков доклад қилди.

Йиғилишда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жиҳатидан, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш жиҳатидан сезиларли ўзгаришларга эришиш энг муҳим вазифа эканлиги ҳақида гапирилди. Қабул қилинган қарор мавжуд муаммоларни тўла-тўкис ҳал этишга қаратилган. Ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган мазкур ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бир йил аввал кучга кирмоқда. Бу эса келажакдаги ишларимизга муайян шарт-шароит яратади.

Йиғилишда ҳозирги Тошкент фақат Ўзбекистон пойтахтигина эмас, айни вақтда мамлакатимизнинг энг йирик саноат, илм-фан ва маданият марказларидан бири эканлиги таъкидланди. Бироқ шаҳримиз уй-жой, касалхоналардаги ўринлар, савдо майдонлари билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатдаги бошқа энг катта шаҳарлардан анча орқада қолмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий омиллардан бири аҳолининг сунъий равишда кўпайишидир. Шаҳар аҳолиси бир йилда ўрта ҳисобда 20-25 минг киши кўпаймоқда. Бугун тошкентликларнинг 72 минг оиласи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлиб турибди. Шу сабабдан қарорда уй-жой қурилишига биринчи даражали аҳамият берилган. Уй-жой қурилишини 1,5 баравар, якка тартибда ва хўжалик усули билан бунёд этилаётган уй-жойларни деярли икки баравар кўпайтириш назарда тутилган. Шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларини таъмирлашга, у ерда яшаётган аҳолининг ҳаёт-таъминотини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Экологик муҳитни яхшилаш, ҳавога зарарли чиқиндиларнинг чиқишини камайтириш мақсадида шаҳардан ташқарига кўчирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва объектлар рўйхати белгиланди. Бу ер участкаларини бўшатиб олиш имконини беради. У ерлардан ижтимоий-маданий йўналишдаги объектлар билан бирга тўла-тўкис равишда уй-жой қурилиши авж олдирилади.

Транспорт хизматидаги тангликни камайтириш мақсадида 34 километр узунликда трамвай, 74 километр узунликда троллейбус йўлларини қуриш мўлжалланмоқда, автобуслар сони 300 та кўпаяди. Метрополитенда йўловчиларни ташиш ортади. Юнусобод йўлида 3 та янги бекат ишга туширилиши билан бир йилда ташиладиган йўловчилар сони 170 миллион кишига етади.

Бу амалга оширилиши аниқ бўлган истиқболдир. Хўш, шаҳримиз 90-йилларга нима билан бормоқда? Ўтган тўрт йил мобайнида ярим миллион квадрат метрга яқин уй-жой қуриб битказилмади. Қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш қувватлари етишмайди. Қурилишда оғир, самараси кам бўлган қўл меҳнатининг ҳиссаси 50 фоиз атрофида бўлмоқда. Уйсозлик комбинатларининг истисносиз барчасидаги ускуналар маънавий жиҳатдан эскирди, яроқсиз аҳволга келди. Янги ҳажм-блокли уйсозлик заводи эса ҳалигача лойиҳадаги қувватга чиқа олмаяпти. Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг 15 та ташкилотидан ярмисида иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан кўпайишига йўл қўйилган. Бинобарин, қурувчиларга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қурилишларнинг узоқ чўзилиб кетишига кўп жиҳатдан бинокорлик материаллари ва ускуналар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабаб бўляпти. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ва Давлат таъминоти комитети, манфаатдор министрликлар ва идоралар ушбу масалада сусткашлик қилмоқдалар.

Шаҳарда ерлар рўйхатдан ўтказилди, бу эса беш юз минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар бунёд этиладиган майдонларни аниқлашга имкон берди. Қабул қилинган қарорда Тошкент область хўжаликлари шаҳарга тўла-тўкис равишда уй-жой қурилишига 978 гектар, якка тартибда уй-жой қурилишига 1730 гектар ер бериши назарда тутилган. Шундай бўлса ҳам, ер ажратиш масаласи ҳануз жуда ўткир бўлиб қолмоқда.

Йиғилишда шундай рақамлар келтирилди: тошкентликларга кейинги икки йилнинг ўзида икки мингтага яқин ер участкаси ажратилган. Ер олишни хоҳловчилар эса 25 минг оилани ташкил этади. Тўғри, одамлар ўз маблағлари ҳисобига уй қуриб олишлари давлатга фойдали. Бинобарин, бошқа нарса — якка тартибда уй-жойлар қурилаётган ерлар мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат муассасалари билан таъминланиши лозимлиги ҳам муҳимдир. Кундалик ҳаётимизда эса қандай бўлаяпти? Масалан, бунёд этилаётган «Ўриксор» даҳасига зарур бўлган ўн миллион сўм ўрнига атиги 1 миллион 700 минг сўм пул ажратилган, айни вақтда бу маблағлар моддий ресурслар билан мустаҳкамланмаган. Бугун уй-жой программасини министрликлар ва идоралар фаол қатнашган тақдирдагина бажариш мумкин эканлигини таъкидлаш зарур. Қабул қилинган қарорда бир қанча Иттифоқ ва республика министрликларига ўз кучлари билан 730 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуришлари, 2200 ўринга мўлжалланган мактабгача болалар муассасалари, ҳар куни 1900 беморни қабул қиладиган поликлиникалар, 1256 ўринли касалхоналар бунёд этиш вазифаси белгилаб берилган.

Бу амалга оширса бўладиган режалар. Бинобарин, шаҳарда ушбу муаммоларни ҳал этиш борасида яхши тажриба тўпланган, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари мураккаб ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Уларга ана шу йўналишда устунлик берилади.

Йиғилиш қатнашчилари «тугалланмаган» деб аталмиш қурилишларга алоҳида эътибор беришди. Шаҳарда янги турар-жойлар: «Қизил Шарқ», «Алгоритм», «Сергели-7, 8», «Б-1», «Марказ-17», «Марказ-18» даҳаларини қуриш бошлаб юборилди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам тўла-тўкис қуриб битказилмаган. Бундай иш юритиш Тошкентда савдо, соғлиқни сақлаш корхоналари, болалар боғчалари кескин етишмаслигига олиб келди. Шу сабабдан турли-туман омонат иморатлар ва дўкончаларни қуришга тўғри келмоқда. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун бош планни ишлаб чиқишга ёндашувнинг

(Давоми 2-бетда).

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар

КУН ТАРТИБИДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

АНДИЖОН. Бу ерда вилоят комсомол конференциясида сайланган вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Пленумда **А. Обидқориев** вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, **В. Жеребилов** вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби, **М. Қирғизбоев** ҳамда **М. Ботирова** вилоят комсомол қўмитасининг котиблари этиб сайландилар.

Пленум ишида вилоят партия қўмитасининг котиблари Ж. Ҳ. Ҳалилов, А. Н. Набиев, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг масъул котиби Я. М. Книгницкий, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби И. Бибиков қатнашдилар.

• • •

ЖИЗЗАХ. Бу ерда Сирдарё вилояти комсомолларининг XIV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят комсомол қўмитасининг янги состави сайланди ва улар иштирокида биринчи ташкилий пленум бўлиб ўтди. Ташкилий пленумда **У. Х. Тўхтабоев** вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, **С. П. Филимонов** вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби, **И. Х. Каримова** ва **Б. М. Тўраев** вилоят комсомол қўмитасининг котиблари этиб сайланишди.

Пленумда вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, СССР халқ депутати А. Ф. Клепиков, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носиров ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Пленум ишида вилоят партия қўмитасининг котиблари М. Х. Умаров, Ю. И. Йўлдошев, халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М. П. Нарзиқулов, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг инструктори А. Б. Токарев ўртоқлар қатнашдилар.

(Вилоятлар комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари ҳақидаги материалларни газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз).

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, одамлар турмушини яхшилаш—шу куннинг вазифаси

(Боши 1-бетда).

ўзини тубдан ўзгартириш талаб этилади. Бош планга тармоқ ишлаб чиқариш структуралари ўрнига территориал ишлаб чиқариш комплексларини бунёд этиш режаларини синчковлик билан ишлаб чиқиш асос бўлиши керак.

Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг бош плани илк бор пойтахт областини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда тузилди. Бу тасодифий эмас, чунки шаҳар билан қишлоқ бир-бири билан узвий боғланган. Йиғилиш қатнашчилари ҳозир ўроқ ва болға иттифоқини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, муносабатларини ўзаро фойдали иқтисодий негиз асосида қуриш муҳимлигини таъкидладилар. Шаҳарликларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш учун республика ҳукумати «Ташгоагропром» бирлашмасига Калинин ва Орджоникидзе районларидаги бир қанча хўжаликларни бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Йиғилишда Тошкентда мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари билан боғлиқ жуда кескин вазият вужудга келганлиги қайд этилди. Ҳозир ўқувчиларнинг тўртдан бир қисми болалар ҳаддан зиёд кўп бўлган мактаб биноларида таълим олишмоқда. Ҳозирги қурилиш суръатларида аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг мактабларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 11 йил керак бўлур эди. Шу боисдан шаҳарни ривожлантиришнинг бош планида мазкур масалага биринчи даражали аҳамият берилган.

Шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишининг қатнашчилари соғлиқни сақлашнинг аҳволи ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «Сиҳат-саломатлик» комплекс программаси ҳалигача ҳужжатлигича қолмоқда. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш объектларини бунёд этишга ёндашувнинг ўзини тубдан қараб чиқиш керак бўлади. Келаси беш йилликда касалхоналардаги ўринларни 4,2 марта, поликлиникалар сонини 2,2 марта кўпайтириш лозим. Район санитария-эпидемиология станциялари учун саккизта лаборатория биноси, 14 та «тез ёрдам» кичик станцияси, 1400 ўринга мўлжалланган болалар санаторийларини қуриш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш масалалари экология муаммолари билан чамбарчас боғланган. Саноат корхоналарининг бир ерга ҳаддан зиёд тўпланиши, энергия тежовчи ва чиқиндисиз технологияларни жорий этишнинг паст даражаси шаҳарда мураккаб экологик ҳолатни вужудга келтирди. Ҳаво ҳавзасининг газ билан булғаниш даражаси кўп жиҳатлардан йўл қўйиладиган нормага нисбатан бир ярим-икки баравар кўп.

Бироқ 24 та саноат, 25 та автомобиль корхонасини шаҳардан ташқарига кўчириш ўрнига, Тошкентда бош планга риоя қилмаган ҳолда янги корхоналар: мотор ва «Алгоритм» заводлари, «Таштекстильмаш» бирлашмасининг филиаллари жойлаштирилди. Муҳитни соғломлаштириш учун яқин вақт ичидаёқ ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни 20—30 минг тонна қисқартириш, ифлосланишнинг барқарор манбаларини камайтириш ва ўта зарарли корхоналарнинг бир қанчасини шаҳар ташқарисига кўчириш керак бўлади. 1964 йилдан бери Тошкент аэропортини шаҳар ташқарисига кўчириш ҳақидаги масала муҳокама қилиб келинмоқда. Аэропорт кам қаватли уйлар қурилган районлар билан бевосита чегарадошдир. Шовқин-сурон кучли бўлган зонада ҳозир 360 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди, аэропорт Ўзбекистон пойтахтининг жанубий йўналишда ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Қабул қилинган қарорда шуни ҳисобга олиб, аэропортни шаҳар ташқарисига чиқаришнинг техникавий-иқтисодий асосларини тезда туғаллаш масаласини ҳал этиш кўзда тутилган.

Тошкентда шаҳар хўжалик хизмати унинг энг оғир нуқталаридан бўлиб қолмоқда. Одамлар автомат-телефон станциялари кескин етишмаётганлигини, автотранспорт бир меъёрда ишламаётганлигини адолатли равишда танқид қилишмоқда, улар совуқ уйларда «қишлашни» хоҳламайдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Тошкентдаги инженерлик коммуникацияларининг аҳволи норматив эҳтиёжлардан бир неча баробар орқада қолмоқда. Кейинги 15 йил ичида шу мақсад учун 500 миллион сўмлик капитал маблағлар ва моддий ресурслар кам ажратилди. Бундай аҳволга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Йиғилишда янги иссиқлик тармоқларини қуриш ва ишдан чиққанларини таъмирлаш, энергия таъминотини ишончли тарзда ошириш, водопровод-канализация тармоқларини ривожлантириш биринчи галдаги вазифалар, деб айтилди. Электр хўжалик объектларини бунёд этишнинг ўзигагина 42 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш назарда тутилмоқда.

Шаҳар пассажир транспорти ва телефон хизмати ишида ҳал этилмаган масалалар кўп. «Ташгорпассавтотранс», трамвай-троллейбус бошқармаси, шаҳар телефон тармоғи фаолиятини таҳлил этиш уларни ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағлар ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатмоқда. Мана, бир мисол: 125 мингта номерга мўлжалланган 11 та автомат телефон станцияси биноси қурилиши режалаштирилган, лекин атиги тўрттаси қуриб битказилган.

Тошкентда учта янги троллейбус депоси, электр кучини трамвай, троллейбус, метро поездлари каби электр транспортларига мослаб берадиган 22 та кичик станция, умумий сиғими 230 минг номерга мўлжалланган 22 та автомат-телефон станцияси биносини қуриш режалаштирилган. Бу аҳолини уй телефонлари билан таъминлашни икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

Қабул қилинган қарорнинг яна бир хусусияти шундаки, унда Тошкентнинг тарихан таркиб топган районларини ривожлантириш масаласи ҳар томонлама қараб чиқилган. Ҳар бир кўҳна шаҳарнинг ўзига хос ва беназир қиёфаси унинг тарих, маданият, меъморий обидаларида уйғунлашади. Эски уйлар сақланиб қолган даҳаларни, ҳунармандлар ишлайдиган расталарни, масчитларнинг биноларини, Эски шаҳардаги Шарқ бозорини миллий меъморчиликнинг ана шундай ноёб ёдгорликлари деб тўла-тўкис ҳисоблаш мумкин. Афсуски, айрим иншоотларнинг ўйламасдан, танлаб қурилганлиги уй-жой билан боғлиқ мушкул вазиятни ўзгартирмади, балки бутун бошли меъморий обидалар мутлақо йўқолиб кетишига олиб келди. Ҳозир Эски шаҳар муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланадиган вақт келди. Йиғилиш қатнашчилари Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларидаги кўп маҳаллаларнинг аҳолиси марказий иссиқлик таъминоти, канализация, газ таъминотидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эканликларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирдилар. Бу ерларда водопровод, энергетика, телефон тармоқларининг қуввати етарли эмас. Мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш объектлари ва маданий-маиший иншоотлар кескин етишмаётганлиги сезилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, яқин вақт ичидаёқ Эски шаҳарни таъмирлашнинг аниқ бир мақсадга мўлжалланган режасини ишлаб чиқиш керак. Кўҳна ёдгорликларни сақлаб қолган ҳолда мазкур районлар қурилишининг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилинган. Бу ерда кўп қаватли бинолар билан ёнма-ён бир ва икки қаватли уйлар бунёд этилади.

Ўтган йили лойиҳа, планлаштириш ва қидирув ишларини бажариш учун беш юз минг сўм ажратилган эди. Бу йил эса миллион сўм пул ажратилди. Эскириб кетган уй-жойларни бузишнинг аниқ муддатлари ҳамда ҳажмлари белгиланган. 780 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойларни бузиш керак бўлади. Улардан 80 мингдан кўпроқ одамни кўчириш зарур. Таъмирлаш ишлари олиб бориладиган ерлардаги аҳолини вақтинчалик жойлаштириш ва уларни аввалги турар-жойларига кейинчалик қайтариш учун 20 та уйдан иборат оборот фондини тузишга қарор қилинди. Шу ишларни бажариш учун Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида «Тошкент тикланиш» давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси тузилди.

«Маҳалла» тўкис-тугал программасини ишлаб чиқиш тарихан таркиб топган районлар аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш сари ташланган яна бир қадам бўлди. Уни амалга оширишга 170 миллион сўм атрофида пул сарфланади.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни ҳал этиш учун нафақат катта маблағлар ва моддий ресурслар талаб этилади, айни вақтда шаҳарда яшаётган ҳар бир киши ташаббус кўрсатиши, бу ишдан манфаатдорлигини намоён этиши зарур. Олдимизда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг масъулиятли босқичи турибди.

Шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Хорижидан хабарлар



Шахматнинг маликаси ким? Бу саволдан таажжубланманг. Ҳозирча бирор бир расмий маълумот йўқ бўлиши мумкин. Лекин дунёда бунга даъвогарлар оз эмас. Сиз суратда кўриб турган венгриялик қизлар — Жужа (чапда) ва Юдит эркаклар шахмати дунёсига жадал ёриб кириб, ажойиб натижаларни қўлга киритишмоқда. Улар эркаклар мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, номдор гроссмейстерларни бир неча бор доғда қолдиришди. Мутахассислар бу опа-сингилларнинг шахмат истиқболи катта эканлигини башорат қилмоқдалар.

КЕЙСТОН — ТАСС сурати.

САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖАКАРТА. ТАСС мухбири Алексей Петров хабар қилади: Индонезияга ташриф буюрган СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов бир қанча саноат корхоналарига борди.

У, жумладан, ўсимлик мойи, маргарин ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Бимоли» фабрикаси маҳсулотларининг намуналари билан танишди. Корхона Индонезиядаги энг йирик бирлашмалардан бири «Салим» групласи компанияларининг бирлашмасига қарашлидир. Корхона яқинда биринчилар қаторида СССРда кокос мойини қайта ишловчи қўшма корхона тузиш тўғрисида совет шериклари билан шартнома тузди.

Индонезиядаги кир ювиш воситалари, атир-упа ва пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бирига борилган пайтда, цехларнинг бирида Совет Иттифоқига тайёр маҳсулотнинг навбатдаги катта туркумини жўнатиш учун ҳозирлик кўрилаётган эди.

Индонезия савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашувда ўтган йилниг куз фаслида олий даражада бўлган Совет-Индонезия музокаралари чоғида эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш борасидаги муайян тадбирларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Ана шу шартномалар икки мамлакат ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратганди. Жумладан, Индонезия билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги амалий алоқалар ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш тадбирлари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Мердека саройида М. И. Иброҳимовнинг президент Сухарто билан якунловчи учрашуви бўлди.

Совет делегацияси Индонезия пойтахтига қилган ташрифини тугатгач, мамлакат бўйлаб сафарга жўнаб кетди.

ИШСИЗЛИК ВА ИШ ҲАҚИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Ўтган йилнинг декабрь ойида Буюк Британияда ишсизлар 1.634.900 кишини ташкил этди, деб хабар қилди, иш билан таъминлаш масалалари министрлиги. Эълон қилинган статистика ахборотида таъкидланишича, ишсизлар ноябрь ойидагига нисбатан 26,567 кишига кўпайган. Бироқ мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олиб, деб уқтиради ҳужжатда, ишсизлар қамайиб бораётганлиги тўғрисида гапириб ўтиш лозим — бу сафар 17,100 киши ишсизлар сафидан чиққан.

Гарчи мазкур тенденция секинлашган бўлса-да, деб уқтиради Пресс Ассошиэйтид ахборот агентлиги, бу тенденция мамлакатда 41 ойдан буён муттасил давом этиб келмоқда. Айни вақтда, бунга зид бўлган статистика хусусан баъзи мутахассисларнинг мазкур тенденция бу соҳадаги ишларнинг реал аҳволини тўла акс эттирмайди, деган фикрини тасдиқламоқда. Маълумки, консерваторлар кабинетининг ҳукмронлиги йиллари мобайнида у ишсизларни ҳисоблаб чиқиш системасига қарийб 20 та турли тузатиш ва ўзгаришлар киритиб, ундан британияликларнинг муайян қисмини чиқариб ташлаган эди.

Ўша маълумотномага кўра меҳнаткашлар иш ҳақининг ўртача ўсиш суръати ўтган йилнинг ноябрь ойида 9,25 фоизни ташкил этиб, бу умуман ўртача йиллик кўрсаткичга мувофиқдир. Шу боисдан иш билан таъминлаш масалалари министри Майкл Хаурард британияликларни иш ҳақини анча ошириш тўғрисидаги талабларни ўртага қўймаслик тўғрисида огоҳлантирди. Акс ҳолда, деди у, иш жойлари яна қисқартирилиши мумкин.

ҚАРКИДОНЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН

НАЙРОБИ. (ТАСС). Кения ҳукуматининг қарорига биноан Найроби миллий паркида шу ҳафтада Африкада ғоратчиликка қарши кураш программаси доирасида 350 килограммдан кўпроқ каркидон шохи ёқиб юборилади. Ёввойи ҳайвонлар қирилиб кетишини ўрганиш масалалари махсус комиссиясининг раҳбарларидан бири Ричард Ликининг бу ерда айтган гапларига қараганда, пинҳоний бозор нархларида 5.4 миллион доллар турадиган 270 та шох йўқ қилиб юборилади. Бу операция 24 январь куни ўтган йилнинг июль ойида республика президенти Даниель Арап Моининг шахсан ўзи 12 тонна фил суягини ёқишда иштирок этган жойда ўтказилади.

Р. Ликининг сўзларига қараганда, йўқотиб юборилиши керак бўлган запаслар 1976 йилда бутун жаҳонда каркидон шохларини сотиш тақиқлаб қўйилганидан буён ҳукумат омборларида тўпланиб қолган эди. Уларнинг асосий қисми бойлик орттириш илинжида жиноятkorona ов билан шуғулланувчи ғоратчилардан тортиб олинган. Бир қанча араб мамлакатларининг пинҳон бозорларида бундай шохнинг бир килограмми учун 15 минг долларгача пул тўлайдилар. У ерларда бу қимматбаҳо хом ашёдан доривор восита ва безак сифатида фойдаланилади.

Комиссия экспертларининг фикрича, оқ ва қора каркидонлар беаёв овланаверилиши туфайли Африкада уларнинг сони 8 мингга тушиб қолди. Қитъадаги мамлакатлар ҳукуматлари кўраётган чора-тадбирларга қарамай, нодир жониворларни овлаш ҳануз давом этмоқда.

Она тилимиз—бебаҳо мулкимиз

АМАЛИЙ ИШГА ҚАЧОН КИРИШАСИЗ?

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БОШ БОШҚАРМАСИГА.

Қайта қуриш шарофати билан жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан буён ҳам талай вақт ўтди. Лисонимизни яхшигина ўзлаштирган рус, корейс, яҳудий, украин ва бошқа миллатларга мансуб кўпгина кадрлар, турли лавозимлардаги ўртоқлар ҳеч қанақа тўрачилик қилмасдан ўзбек тилини муомала воситаси даражасига кўтаришаётганларидан, демакки, шу замин одамларига ҳурмат кўзи билан қарашаётганликларидан бошимиз осмонга етяпти! Лекин, Қонуннинг тўла тадбиқ этилиши ўз навбатида катта маблағни тақозо қилади. Ундаги моддаларни босқимча-босқич амалга ошириш белгиланганн ҳам шундан. Шунинг учун биз ҳозир маблағ, сарф-харажат талаб қилмайдиган юмушларга эътиборни қаратишимиз маъқул кўринади.

Масалан, метро бекатларининг айтилишини олиб кўрайлик. Қандайдир ғайритабиий. «СССР 50 йиллиги» — «50 лет СССР», «Халқлар дўстлиги» — «Дружба народов», «Ленин номидаги майдон» — «Плошадь имени Ленина», «Октябрь инқилоби» — «Октябрьской революции» ва ҳоказо. Кишиларнинг номларига қўйилган жойларнинг рус тилига таржима қилиниши янада кулгили: «Сабира Рахимова», «Хамида Алимджана», «Алишера Навая»...

Тилнинг табиий қонуниятларига нисбатан турғунлик даврида қилинган бундай ўзбошимчаликларга ҳаққоний баҳо берилди. Хусусан, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида шундай дейилади. «Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жўғрофий номлар ўзбек миллий тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади».

Демак, бир пайтлар йўл қўйилган хатоларга тезроқ барҳам бериш керак. Бу хайрли ишга, менимча, у қадар кўп маблағ кетмайди. Бор-йўғи магнитафон лентасидан рус тилига ғайритабиий равишда таржима қилинган жумлаларни ўчириб ташланса кифоя. Шунингдек, юқорида тилга олинган кишилар ва жойларнинг номлари «таржима»си деворлардан ҳам ўчириб ташланиши зарур. Умуман, метродаги ёзма билдиришлар (масалан, эшиклардаги «кириш» «чиқиш», огоҳлантиришга оид баъзи сўзлар) икки тилда бўлгани етарли.

Баъзи ўртоқларда шундай савол туғилиши мумкин: хўш, ўзбекчани билмайдиган одамлар янглишиб қолишмайдими? Йўқ. Аввало, метрони дастлаб энг илғор шаҳримиз — Москвада кўрганмиз. Демак, рус миллатига мансуб дўстларимиз ер ости йўлига тушганларида, айтайлик Самарқанд вилоятининг олис қишлоқларидан келган оддий деҳқонга ўхшаб ҳайратланиб, довдираб ўтирмасликлари шубҳасиз. Қолаверса, дикторлар такрор-такрор айтиб турадиган бор-йўғи бешта ўзбекча сўзни ўзлаштириб олиш ортиқча мушкуллик туғдирмайди, деб ўйлайман. Мана ўша сўзлар: «Эшиклар очилади ёки ёпилади, навбатдаги бекат». «Мабодо, ўзга жумҳуриятдан келишган меҳмонлар ҳақида ҳам ўйлайдиган бўлсак, у ҳолда вагонлар эшигига ўша бешта сўзнинг таржимасини ёзиб қўйиш ортиқчалик қилмас. Мени тўғри тушунингизлар, ер ости йўли хизмати шу қадар яхши йўлга қўйилганидан, ҳатто на у тилга ва на бу тилга эҳтиёж сезмайдиган гунг, кар-соқовлар ҳам манзилини топиб кетаверишади-ку! Биз эса, ўзбек тилини хўрлаб, рус тилини масхаралаб ўтирибмиз...

Яна бир гап: мабодо шу арзимас ишни бажариш учун сира пул топилмай қолган тақдирда «Правда» газетаси кўчасидаги 41-уйда жойлашган ўндан ортиқ журналларнинг редакцияларида хизмат қилишаётган комсомоллар бир кунлик иш ҳақларини Сизларнинг ихтиёрларингизга ўтказишга сидқидилдан тайёрлигига имоним комил. У ҳолда бундай ишларни ташкиллаштиришни юз фоиз зиммамга оламан, деб имзо қўювчи:

Тўлқин ЭШБЕК,
«Мухбир» — «Корреспондент» журнали редакцияси бошланғич комсомол ташкилоти котиби.

Жумҳурият янгиликлари

«АРАЛВОДСТРОЙ» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари энди ўз поликлиникаларига эга бўлдилар. У ҳозир ишлаб турган медицина - санитария қисми билан ёнма-ён қурилган бўлиб, ҳар куни 150 беморни қабул қилишга мўлжалланган. «Аралводстрой» поликлиникани жиҳозлашга 212 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлади.

АНДИЖОНДА янги «Шифокор» меҳмонхонаси дастлабки ижарачиларни қабул қилди. Бу меҳмонхона капитал реконструкция қилинмасидан олдин табобат ходимларининг ётоқхонаси бўлган эди. Меҳмонхона аввало, вилоят марказига келадиган шифокорларга хизмат кўрсатади. Бу ердаги кам ўринли хоналар, буфет, спорт майдончалари улар хизматида бўлади. «Шифокор» тўла хўжалик ҳисоби шароитларида ишлайди.

ЖУМҲУРИЯТДАГИ барча олий ўқув юртларининг ётоқхонада яшамайдиган талабалари январь ойидан бошлаб ўз стипендияларига ўн сўм қўшимча пул олмоқдалар. Бу хусусий квартираларда яшаш учун улар тўлайдиган ҳақни бир мунча енгиллаштиради. Бундай қўшимча халқ таълими маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижтимоий аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс программада кўзда тутилган.

ЗАРАФШОН шаҳрига Ленинграддан шифокорлар десанти келди. Буни ленинградликлардан СССР халқ депутати, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский минтақада юзага келиши мумкин бўлган касб касалликларининг олдини олиш, конларда ишловчи ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда ёрдам беришни илтимос қилган эди. Нева бўйидаги шаҳар шифокорлари ўзлари билан энг замонавий диагностика аппаратлари ва бошқа қурилмаларни олиб келдилар. Ленинградлик мутахассислар ва олимлар Бухоро вилоятидаги ўз ҳамкасблари учун семинар ўтказадилар.

(ЎзТАГ).

Биз—байналмилалчилармиз!

ВЛАДИМИРЛИК ЮРТДОШЛАР ҲУЗУРИДА

Бундан бир неча ой муқаддам газетамизнинг собиқ рассоми Берта Викторовна ШТИН редакциямизга, ўзи учун қадрдон даргоҳга ташриф буюрган эди.

— Сафарга чиқаётган эдим. Россиянинг «олтин ҳалқаси» бўйлаб. Агар у ерда ишлаётган ҳамюртларимизни учратсам, мўйқаламга тушириш ниятим бор. — Ёши 70 ларни қоралаб қолган рассом опамизнинг гапларидан қувондик. Сайёҳлик йўлланмаси билан манзилга отланаётган кам-дан-кам киши бундай қилиши мумкин.

Биз Берта Викторовнага Ноқоратупроқ ўлкада меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшларнинг адресларини бердик. «Фақат йўлингиз тушсагина, тайёрланг. Акс ҳолда ўзингизни уринтириб қўйманг тағин».

Яқинда тиниб-тинчимас мусаввир яна редакция йўлкарида кўриниб қолди. «Вазифа уддаланди.»


Мусаввиримизнинг қаҳрамонлари билан танишинг: Маъқулхон Эргашева. Асли Қашқадарё вилоятидан. Белгород педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини 1987 йилда тамомлаган. Турмуш қургач, ўртоғи билан Ноқоратупроққа келди. Бугунги кунда у Гусь Хрусталь шаҳрида ишламоқда. Болалар боғчасида тарбиячи. Яқинда Маъқулхонлар оиласи учун шинамгина хонадон ажратишди.

Владимир Аушев. Ноқоратупроққа 1984 йилда келган. «Ўзвладимирводстрой»га қарашли «Тошкент» ИКМКси бош инженери.

Норсаид Жумаев эндигина 29 ёшга тўлди. Мироблик участкаларидан бирининг бошлиғи.

Ҳамюртларимизни таништирганингиз учун раҳмат, бизнинг Берта опа!





С. РУСТАМОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АЁЛЛАР НЕГА ТЕЗ МАСТ БЎЛАДИ!

● **АМЕРИКАЛИК** табиблар бу «топишмоқ»нинг жавобини топишга эришдилар. Олимлар «Янги Англиянинг табобат журнали»да таъкидлашларича, бунинг сабаби аёллар ошқозонининг физиологик хусусиятлари билан боғлиқ. Улар ошқозонида спиртли ичимлик таъсирини заифлаштирадиган алкоголь дегидрогеназ деб номланган ҳимоя ферментларини анча кам ишлаб чиқаради. Эркакларда эса аксинча.

Тадқиқотчилар спиртли ичимликларни муттасил истеъмол қилувчи одамларда бундай ферментлар амалда ажралиб чиқмаслигини аниқлашга ҳам муваффақ бўлдилар. Масалан, ичувчи аёл муайян миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилганда бу ичимликларнинг ҳаммаси худди томирга қуйилгандек унинг қонига ўтар экан.

110 ЁШДА...

● **ЯПОНИЯДАГИ** энг кекса киши Эйдзю Цуру яқинда 110 ёшда Жанубий Кюсю оролида жойлашган Сага шаҳрида вафот этди. У 1879 йилда туғилган, 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушида қатнашган ва ўзининг бир асрлик юбилейига қадар қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланган. Цурунинг 8 фарзанди, 15 невараси ва 20 нафар эвараси бор. Қариндош-уруғларининг фикрича, унинг яхши иштаҳаси ва ўжар феъл-атвори кўп яшашига сабаб бўлган. Ичиш ва чекишни ёшлигиданоқ ташлаб, хуморини ёзиш учун банан еб юрган.

Лекин японлар орасида узоқ умр кўриш бўйича мутлақ рекорд барибир Сигетино Идзумида қолди. У ҳам Кюсю оролида яшаб, 1984 йили 119 ёшида вафот этган. 109 ёшли Кинти Фудзивара ҳозир яшаб турган эркаклар орасида энг кексаси. Дарвоқе, у япониялик ҳозирги барча қариялар орасида рекордчи аёл Мицу Фудзисавадан 4 ёш кичик.

5 МИЛЛИОН ФУНТ СТЕРЛИНГГА БИР ШИША ШАМПАН ВИНОСИ

● **БУЮК БРИТАНИЯ** пойтахтида яшовчи 23 ёшли Мартин Ритчининг роса омади келди. Лондон фонд биржаси ёнида, деб хабар беради Рейтер агентлиги, Мартин «Роу энд Питмен» компанияси йўқотиб қўйган қиймати беш миллион фунт стерлингга тенг бўлган қимматбаҳо қоғозларни топиб олди.

Бироқ, бу йигит ҳеч нарса бўлмагандек, тўғри биржага бориб, довдираб қолган кассирларга қоғозларни қайтариб берди. Улар эса... суюнчисига бир шиша шампан виноси тақдим этишди, холос.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Түлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

САБОҚ



Ўтган йилнинг октябрь ойида ёзувчи В. Распутин раҳбарлигида «Бойкўл ҳаракати» аъзолари Японияда бўлишди. Ташриф буюрганлар орасида СССР халқ депутати ёзувчи Т. Қайипбергенов ҳам бор эди. Қорақалпоқ ёзувчисининг маҳаллий ойнаи жаҳон, радио ва матбуотда чиқишлари японларда катта қизиқиш уйғотди. Тўлепберген оғанинг Орол дардларига бағишланган чиқишлари — жаҳон афкор оммасини бошимизга тушган улкан ҳалокатдан огоҳлантирувчи бонг бўлиб жаранглади. Қуйида япон ёзувчилари уюшмасининг ойлик «Осиё, Африка, Лотин Амирқоси» журнали 10-сонида чоп этилган мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кобо Абэнинг «Қумдаги хотин» романидаги муаллим Ники Дзюмпей тарихини яхши биласиз. Чексиз саҳро ҳудудларида ўз йиғмасига ҳашаротларни излаб юрган муаллим кўчма қумлар тимсолида қандайдир тўлқинни сезади. Ҳаяжон билан бу кўчишнинг охир-оқибатини ўйлай бошлайди. Миллиметрнинг саккиздан бир бўлаги ҳажмида аниқ бир макондан кўчаётган қумлар вақт келиб гуллаётган шаҳарларни, буюк империяларни ямлаб-ютиб юбориши мумкинлигини англайди.

Ўзи кашф қилган қумларнинг кўчиш қонуни уни учувчи шпан кўнғизчалари топилмасидан ҳам ҳайратлантириб юборади. Токи чуқурчага тушиб, қумликлар ичида ҳаёт кечира бошлагунча шундай ўйлайди...

Баъзида мени даҳшатли хаёллар чулғайди: наҳотки, қачондир шу кичкина халқим — қорақалпоқлар бошига ҳам ҳашорат йиғувчи муаллим қисмати тушса? Наҳотки, у яшаш учун кураш қонунининг шафқатсиз айланасига тушган? Бундай пайтда маъносиз борлиқ фалсафасига учмаслик, осонгина қўл ковуштириб, тақдирга тан бермаслик қоладй-ку. Тақдирга тан берган Ники Дзюмпей қисмати қандай яшашимизга намуна бўлса?

Бу ҳақда гапириш оғир. Даҳшатли. Аммо машҳур япон ёзувчисининг хаёлоти мана Ўрта Осиёда, Қорақалпоғистонда ҳақиқатга дўниши равшан бўлиб турибди. Асли Нукусданман — бу шаҳар Қорақалпоғистоннинг пойтахти. Шу ерда яшайман. Шаҳар ҳозирда чанг-тўзонлар измида. Унинг бошқача қиёфасини яхши эслайман. Ҳаво бошқача, ранглар бошқача, ҳаёт бошқача даврини. У пайтда ҳамма йўллар Амударёга, дарё ёқасида турган шаҳарга олиб борарди. Нариги қирғоғи кўринмайдиган, тоза сувга лиммо-лим дарёда кемалар сузиб юрар, теваракка ўхшашсиз манзара, хуш ҳаво туҳфа этарди. Узоқ-яқинлардаги балиқчилар қасабасида балиқлар қовурилар, димланар, қоқланарди. Одамларнинг тириклик манбаи бўлган тармоқ нишонаси — пиширилаётган балиқ ҳиди анвойи гуллар, ҳушбўй мевалар билан уйғунлашиб ҳаётнинг туганмаслигини кўрсатарди.

Яқингинада шундай эди. Ўттиз йилча олдин, балки озроқ. Бугун буларнинг ҳеч бири йўқ. Балиқчилар қасабаси — бўм-бўш. Кема қароргоҳлари — бўм-бўш. Узоқларда, ярим чақиримлар ичкарида қирғоғидан қочган, одамлардан ўзини четга олган Амударёнинг арқондек ингичка тортган ўзани жимгина оқмоқда. Кечагина ҳайбатли тўлқинлар мавж урган жойларда шаҳардан келтириб тўкилган аҳлат уюмлари, турли ускуналарнинг занглаган қисмлари тоғ бўлиб ётибди.

Бу жойлардан Амударё ёки эскичасига айтсак Жайҳун охирги марта 1968 йил оққан. Икки йилдан сўнг сувлар ташландиқ, ҳаракатсиз ҳолга келди. Юртдошларимнинг кўз ўнгида таърифсиз борлиқ таърифсиз йўқликка айлана борди. Уйимиз олдида қачондир боғ бўларди. Шу йил баҳорда кўчат ўтқаздим, боғни тикламоқчи эдим. Бўлмади, шўрланган тупроқда энди бирор нима униши гумон.

Орол Нукусдан йироқми? Кичик ҳажмли йўловчи тайёрасида нари борса ярим соатлик масофа. Унинг офати эса шу ерга — эшигим тагига етиб келган.

Ночор заминга камалак рангли борлиқни қандай қайтариш мумкин? Ахир бугун унда фақат иккита ранг ҳукмрон — саҳроларнинг заҳарли сариқ ранги, қор ёққандай оппоқ тузлаган тупроқ қиёфаси. Биз Оролбўйининг кўкрагида сути қуриб битган оналарига, сариқ касаллиги биган оғриган нимжон болаларига, қачонлардир порт шаҳри бўлган Мўйноқда қумликларда ағанаб ётган кемаларга хомуш тикилаётган собиқ дарғаларига, кечагина балиқчилар қасабаси бўлган Учсойнинг бугун тирикчилик учун супурги боғлаб, донасини ўттиз тийиндан сотаётган балиқчиларига нима деймиз? Таскин қайда?

Орол ҳудудида рўй берган ва бераётган экологик фожиа ўз ҳажми ва даҳшатли оқибатлари билан жаҳоннинг энг улкан ҳалокатларидан бири саналади. Қурбонлар бор, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар бор. Яроқсиз, заҳарланган тупроқ, ташландиқ қишлоқлар талай. Агар тайёрада Оролбўйи ҳудудларидан учиб ўтсангиз, қор қоплагандек оппоқ далаларни, ўлик саҳроларни кўрасиз. Қорақалпоғистон ва унга қўшни Хоразм, Тошҳовуз вилоятларининг ҳар гектар майдонига йилига 540 килограммдан туз аралаш қум ёғилмоқда. Оролнинг қуриб- қолган туби бизга бераётган «инъом» шу.

1988 йил сентябрь ойида КПСС Марказқўми ва Шўро ҳукумати Орол ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, озодаликни мустаҳкамлаш, ер ва сув имкониятларидан тўғри фойдаланиш борасида қарор қабул қилди. Яхши, керак ҳужжат. Аммо у узоқ муддатга асосланган. Ёрдам қисқа муддатда зарур — чунки касаллик ўлим билан тугаши аниқ.

Орол ҳалокати — ички ҳалокат, маҳаллий ҳалокат эмас. У жаҳон аҳамиятидаги улкан ҳалокатдир.

Вацидзи Тэцуронинг 1929 йилда чоп этилган «Иқлим» рисоласини яхши эслайман. Бу асарида файласуф иқлимий хусусиятларни инсон фаолиятининг барча қирраларини акс эттирувчи социал ҳодиса қаторига кўшган. Бизнинг ўлкада инсоннинг изи қават-қават қумлар остида йўқ бўлиб кетиши ҳеч гапмас. Ўз пайтида Мессопотамияда шумер тараққиёти худди шундай йўқ бўлиб кетган. Сабаб: бугунги аграрчилар тили билан айтадиган бўлсак, тупроқ шўрланишининг олдини олишга фойдали йўл излаб топиша олмаган.

Ҳалокатга олиб келувчи барча иқлимий, табиий ўзгаришлар социал илдизларга эга. Инсонлар фаолияти, айнан интеллектуал лапашанглик, қўрқоқлик, фикрлар ҳаракатини бўғишга уриниш, борлиқнинг дастлабки тузилиш усулини бузиш, назоратсиз номенклатуранинг тўмтоқ кучи — мана шулар ҳаммаси Оролбўйини жар ёқасига ҳайдаб келди.

Суҳбатимизга тайёргарлик жараёнида Оролнинг тарихий ҳалокатини яратган омилларни чуқур ўйладим. Фикримча, ўта жиддий бўлган учта сабоқ бор. Шуларни айтмоқчиман. Ким билади, бу эртанги кунга сабоқ бўлар.

ЭКОЛОГИК САБОҚ

Яқиндагина, 1961 йилда Турон пастекислигида 35 минг йил муқаддам пайдо бўлган Орол денгизининг сатҳи 66 минг квадрат километр келарди. У дунёдаги энг улкан кўллардан бири саналар, ҳажми бўйича Каспий, Юқори, Виктория-Пьянц (Шимолий Амирқо қитъасида) кўлларидан кейин тўртинчи ўринда турарди. Таажжубки, жуғрофия дарсларида бу рақамлар ҳамон тилга олинади, харитада биз Оролни кўм-кўк рангга бўялган улкан сувлик тимсолида кўрамиз. XX асрнинг ўзига хос хислатларидан бири: ҳатто босма ускуналар тараққиётнинг тезкорлиги, одамларнинг табиатни ҳалок қилиши фактини ўз вақтида қайд қилишга улгуролмай қолмоқда.

1961 йилга қиёсан олсак, денгиз сатҳи 13 метр пастлади, ҳудуди 35 фоизга қисқарди, сувнинг ярмидан кўпроғи — 54 фоизи буғланиб, ҳавога қўшилиб кетди. 23 минг квадрат километр асли сув ости бўлган майдон саҳрога қўшилди, қирғоқ 60-80 чақирим ортда қолди. Оролбўйининг қуриши тобора тезлашмоқда. Қачондир тўлқинлар жўш урган майдонларда аллақачон янги саҳро пайдо бўлган. Халқ уни Оққум-Оролқим деб атамоқда. У экин майдонларидан яроқли бўлган икки миллион гектар майдонни домига ютиб юборди.

Сиз тарихдан бунга ўхшаш бирорта мисол келтира оласизми? Бир авлод кўзи ўнгида бутун бир денгизнинг ярми қуриб битди-я!

Оролнинг ўлими фақат Қорақалпоғистонга таҳдид солаётгани йўқ. Ўрта Осиё билан чекланиб қолмайди. У оқибатини айтиш қийин бўлган ўзгаришлар келтириб чиқариб, мамлакатнинг улкан қисмидаги ҳаётни ер юзидан супуриб ташлашга қодир. Ҳалокатнинг чегараси ҳудудсиз.

Кузакда совуқнинг эрта тушиши, баҳорнинг чўзилаб кетиши одатий ҳолга айланиб қолди. Ҳатто ҳали ҳосил йиғиб олинмаган даврда октябрь ўрталарида қор ёғмоқда. Совуқ, тузли чанг бўронлари ҳаддидан ошаяпти. 29 апрелдаги иқлимий ўзгаришни эсланг. Олдинлари Арктикадан келаётган совуқ оқим Орол устида илиб, бизга унинг таъсири умуман сезилмасди. Орол Туронзамин ҳавосини мўътадиллаштирувчи табиий тўсиқ эди. Эндиликда сатҳининг тенг ярмига қисқарганидан — олдинги вазифасини бажаришга ожизлик қилмоқда. Иқлим тағинда ўзгариб кетиши табиий.

Бундан 85 йил олдин чоп этилган «Россия. Ватаннинг тўлиқ жўғрофик тасвири» рисоласида ўқиймиз: «...Орол қирғоқларида оқ ва қизил балиқлар: кўпроқ шип овланади. Келажакда Оролда балиқчилик тағинда авж олади, тармоқнинг ривожи, келажаги борлигини чўл ярмаркаларидаги балиққа бўлган катта эҳтиёж кўрсатиб турибди». Ишонч билан айтилган бу фикрларни ўқиш қийин. Шип, лаққа, сазан, Орол усачи каби балиқчиликнинг қимматли хом ашёси — 60-йилларгача овланиб келинди. Ўшанда ҳар йили 450 минг центнер балиқ овланган. Ҳозирда Орол балиқ хўжалиги мақомини бутунлай йўқотди. Унга яқин бўлган кўллар ва сув омборларида 20 минг центнернинг нари-берисида балиқ етиштирилмоқда, холос.

Денгиз сатҳининг қисқариши, дарё дельтасининг туғаб битгани қирғоқ фаунасига, ҳайвонот оламига жиддий зарар етказди. Турон йўлбарси, гепард, лайлаклар, фламинго, оқ қўтон қирилиб битди.

Мутахассислар яхши билишади, шўрланишга мойил бўлган майдонларда суғоришга ишлатиладиган сувни чучуклаштириш катта аҳамиятга эга. Бизда бу хусусият тамомила йўқотилган. Шўрланиш ғоят юқори. Бутун-бутун боғлар қуриб битмоқда, соя-салқин гўшалар тобора озаймоқда. Асрлардан буён тоғнинг тоза сувини Оролга келтириб қуядиган Амударё суви ҳозирда ичишга яроқсиз ҳолга келган, у қўшни вилоятлардаги зах манбаларининг дарёга оқизилиши оқибатида тобора ўлик сувга айланмоқда. Йилнинг 10 ойи миқдорида сувдаги концентрация миқдори нормадагидан юқори бўлади. 1 миллиметр сувда бактериялар, эпидемиологлар ҳисоб-китобига қараганда, ПДКга нисбатан 5-10 марта кўп учрайди. Бу эса Қорақалпоғистонда паратиф касали билан оғриш кўрсаткичини Ўзбекистонга нисбатан 2 марта, Иттифоққа нисбатан 23 марта ошириб юборган. Ич терлама эса 3-4 марта кўп учрайди. Юқумли сариқ касаллигидан халқ қирилиб кетмаслиги учун тезда зарурий чоралар топиш шарт.

Бошқа мамлакатларда содир бўлган касалликлар, масалан 70-йилларда Лондон ва Лос-Анжелес аҳолисининг заҳарли тутундан бўғилиши, Японияда таомилга кирган даҳшатли сўзлар: «итай-итай», «минамото» касалликлари (бу касалликда тирик организмда суяклар парчалана бошлайди) атроф муҳитнинг булғаниши натижаси эди. Бизда ҳам шу ҳолат кузатилаяпти.

Ҳозирги вазиятда экин майдонларимизда мева ва полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштириш хавфли бўлиб қолди. Гербицидлар, пестицидлар, дефолиантлар билан заҳарланган қорақалпоқ тупроғининг бир қаричини ҳам фан тозалашга қодир эмас. Майиб-мажруҳ болалар туғилишининг кўпайгани — шунинг натижаси. Аҳолини табобат кўригидан ўтказиш шуни кўрсатдики, мухтор жумҳурият аҳолисининг учдан икки фоизи сариқ касаллиги, ич терлама ва рак билан оғрияпти. Вабо учрамоқда. Баъзи теграларда табобатчилар оналарга болаларига кўкрак сути беришни ман қилишди. Она сутида заҳарли моддалар бор.

Билмадим, кейинги аср бўсағасигача мухтор жумҳуриятда жисмонан соғлом бирор жон қолармикан?

Табиатнинг асрлар силсиласида шаклланган оқилона тузилиши, уйғун, ривожланишига калтабинларча, аҳмоқларча етказилган зарар учун даҳшатли, қарши зарбаларни бермоқда. Маҳатма Ганди ўз вақтида огоҳ этганди: «Табиатнинг сабр косаси мавжуд. Қачонки, инсон ваҳшийлиги ҳаддидан ошса, у қасос олишга ўтади». Донишмандлар гапларига қулоқ осишга вақтимиз йўқ, биз забт қилиш, бўйсундириш, жиловлаш иштиёқида ёнамиз. Мана шу «кичик» зарба сабоғи келгусида бизга йўлланма бўлармикан? Афсуски, мамлакатимизда хатоларни ҳар доим бошқалардан кеч англаймиз.

ИҚТИСОДИЙ САБОҚ

Уйда 60-йиллар, Хрушчев даври рўзномалари тахламларини сақлайман. Мамлакат жанубида суғориш тармоқларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўлга киритаётган ютуқлари акс эттирилган саҳифаларга Лениннинг машҳур асаридан сарлавҳалар танланган: «Ер ўзлаштириш — ҳаммасидан зарур...» Ўқийман: «Совет халқининг Сибирь ва Қозоғистонда қўриқ ерларни очишда кўрсатган мардлиги яна бир марта миллионлаб гектар ерларни ўзлаштиришда такрорланди...»

Жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, олим киши ҳеч шубҳасиз изоҳлайди: «Амударё Совет Иттифоқининг йирик дарёларидан бири. Қачонки унинг суви, иссиқ бағри Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ишига йўналтирар экан — у буюк мўл-кўлчилик дарёсига айланади. Шундай кун яқин!..»

Ёзувчи Сергей Залигин машҳур коммунизм қурувчилар ҳақида, уларда ажабланарли томони шундаки, исталган бир вазифани амалга оширишдай, масалан индустрлаштириш ҳеч қачон фикрнинг иккинчи вариантги бўлмайди деганида минг карра ҳақ эди.

Хрушчевга ўша бошламалардан бироз кейин СССР сув хўжалиги ва мелиорация нозирининг биринчи ўринбосари «Орол чиройли ўлиши керак» деб айтади...

Булар ҳаммаси пахта учун қилинган. Ўрта Осиё толасининг қимматбаҳолиги, (жаҳон бозорида, албатта) деҳқон меҳнатининг арзонлиги Хрушчевда бу борада Амирқони қувиб ўтишдек аҳмоқона ғояни туғдирган. Шу боис Украинада пахта экиб кўрилган. Ташаббускорларни, ҳатто бизда пахтачиликнинг 6 фоиз майдонни, Амирқода 90 фоиз майдонни эгаллагани ҳам ўйлантирган эмас. Украинадан, тўғри, вақтида керакли зарбани олишди. Аммо, XIX асрда Туркманистоннинг жануби ва Фарғона водийсининг баъзи қишлоқларида экиб келинган пахта қисқа фурсатда бутун Ўрта Осиё жумҳуриятларининг ҳамма майдонларини балоқазодек қоплаб олди. Табиий шароит билан ҳисоблашиб ўтиргилари келмади. Зарур толани олиш учун ҳар йили суғориш мавсумида 50 миллиард кубметр сув кераклиги — бу бутун бир Днепр суви билан тенг — ҳисоб-китоб қилингани йўқ. Сабаби, ер ҳам, сув ҳам текин эди. 1991 йилдан бошлаб сувни баҳолаш ҳақида гап бўлаяпти. Яқин-яқингача Орол қуриши туфайли, унинг балиқчилиги ва бошқа соҳаларини қўшиб ҳисоблаганда, кўриладиган барча зарарни бир ярим миллион тонна пахта бемалол қоплайди, деган хулоса мавжуд эди.

Бемаъни? Албатта. Фақат биргина сабаби — ўша пахта қаерда ўстирилади, Орол қуриса сув қаердан олинади? Мелиоратор ва ирригаторларнинг, улар «ватанпарварлар» саналади, ҳозиргача қатъий туриб ўтказаётган фикрлари, гўё асосий натижага — мамлакатни пахта ва гуруч мустақиллигига эриштирилгани қалбни ўртайди. Агар бу афсона бўлмаса, нима эвазига шунга эришилди? Қаерга қарама адо бўлган ер, ташландиқ саҳрони кўраяпмиз-ку!

Қачондир бизда шундай сўз бор эди: «Амударёнинг туби йўқ». Бу ўтмишдаги чўпчак. Биз аллақачон ўз ақлимиз, калтабинлигимиз, хўжасизлигимиз, алдоқчи усулларимиз билан у чегарадан ўтиб кетдик. Фожиамиз шундаки, ҳамон тан олгимиз келмайди, совуққонлигимиз — жонимизнинг ҳузури.

Шўртонбой қишлоғида туғилиб ўсган ота-онам саводсиз кишилар эдилар. Улар лотинча ҳарфларда ўз исми-шарифларини зўрға ёзишга ўрганган пайти бошқа ёзувни тиқиштиришди. Натижада ғирт оми бўлиб қолишди. Аммо, ўшалар ҳам сувни тежаш кераклигини яхши билишарди. Қумда сув сақланмаслиги беш бармоқдек аён. Бизда қум саҳроларидан ҳеч бир ҳимоя, сақлаш воситаларисиз минглаб чақиримларга чўзилган каналлар қурилди, узоқ чўлларга сув етказиб, ҳар гектаридан 5-6 центнердан пахта етиштирилди. Уловидан тушови қиммат бўлган ишни қилиш учун табиатнинг минг йиллик мустаҳкам ипларини сўкиш, парчалаш лозиммиди?

Сув йўқ эмас. Бор. У Қорақум, Қизилқум саҳроларига, кўлларга бўлиб ташланган. Айниқса, бундай кўллар Арнасой ва Сариқамиш ботиқликларида кўп. Аммо, денгиздан, дарёдан тортиб олинган ўлик сув. У кимёвий дорилар билан тамом ифлосланган. На истеъмолга, на суғоришга ярайди.

Аҳмоқлик шундаки — 60-йилларда Орол бўйларида ваъда қилинган жаннатмакон гўшалар сароб бўлиб чиқди, табиат устидан ғалаба қозонилмади. Ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳисобига кўра, иқтисодий томондан сариқ чақалик фойда олинган эмас. Бутун жаҳонга бонг уриб, олти миллион тонна пахта яратганимиз ҳам сохта — қўшиб ёзишлар меваси экан. Биргина Қорақалпоғистон бўйича, айрим тармоқларда йўқотилган маҳсулотнинг баҳоси, агар ҳеч нима ўзгармай турса, яқин ўн йилларда йилига 640 миллион сўмга етиши мумкин экан. Буни «ҳаёт қарзи» учун берилган ҳаёт деб бўладими? Ва тез кунларда Қорақалпоғистондан кўчиб кетиш шу даражада ўсадики, бутун халқнинг ер юзида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши масаласи ўртага чиқади.

Шундай усулда иқтисод маънавият билан чирмашиб кетади.

МАЪНАВИЙ САБОҚ

Чернобиль ҳалокати ва Орол ҳудудида содир қилинган экологик ҳалокат гўё бошқа-бошқа кўринса-да, келиб чиқиши, илдизига кўра тамоман уйқаш. Тубанлик, амалий ишлар, планлар ижросида маънавий томонлардан четланиш.

Халқдан биров сўраганми: тақдиринг не бўлсин? Шу борада фикр юритишга, чуқур мулоҳаза қилишга имкон бўлганмиди? Бу ҳозирда — СССР халқ депутатлари Съездида содир бўлди. Мен ўзимни қийнаб келган масалаларни ўртага ташладим, ечимий мулоҳазалар билдирдим. Ижобий томонга ўзгариш бўлишига интилдим. Бўлмаса, халқ ўзини кутаётган ҳалокатдан бехабар эди. Сукут шунинг оқибати. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар ҳалокатнинг туб илдизини ковлаб, ҳақиқатни очиб ташлашганида уларга партия ва ҳукумат режаларини бузиш, издан чиқаришга уриниш, деб сиёсий айб тақашга уринишди.

Яхши хотиримда бор, инсон қўли билан яралган заҳарли сувлик — Сариқамиш кўли аслида Оролнинг улуши эвазига барпо бўлгани хусусида ҳақ гапни халққа етказмоқчи бўлган қорақалпоқ журналистлари шаънига не балоларни айтишмади. Бир неча йиллардан сўнг газетачилар фикри асосида олимлар, ҳақиқатан ҳам, кимёвий дорилар омборига айланган бу сувлик ҳаёт учун хавфли, четкаларида ўсган ўтни еган қорамоллар заҳарланиши, сутини ичган инсон омон қолмаслигини исботлаб беришди. Бутун бир халқни генетик жиҳатдан йўқотишга қаратилган ваҳшиёна таҳдид очиқ-ошкора кўз ўнгингда содир бўлаётганини кўриб ўзингни тия олмасдинг: «Бу жиноий ҳаракат қачон тўхтатилади?!» Раҳбарлар эса дўқ уришарди: «Жим бўлинг! Ким рухсат берди?»

Ньютон қонуниятларидан бири ҳаракатнинг кучи қарши ҳаракатнинг кучига тенглигини кўрсатади. Табиат Оролга нисбатан хўжасизлик учун қасосини олди. Аммо, нимага бу қасос унинг ҳақиқий айбдорлари эмас, менинг халқим бошига тушди? Юртдошларимнинг бу хатода айблари борми? Қорақалпоғистоннинг бир миллионлик аҳолиси бутун бир денгиз сувини ичиб, қуритиб, экологик ҳалокатни келтириб чиқариши мумкинмиди?

Инсон табиатининг қўрқинчли иккиюзламалиги. Инсон ҳам тоза, ҳам айбдор. Ўз қўли билан ўз тупроғини кимёвий дорига тўйдирганлар айбдор. Аммо, оғзидаги сўнгги томчи сувини олиб, ўрнига ўзга юртлардан келтириладиган сувни ваъда қилган тўралар минг карра айбдорлар. Айтишди: Сибирь дарёларини бурамиз, ҳаммаси жойида бўлади. Халқ ожиз. Ўзини талашларига йўл қўйиб берди, ишонди (жимгина рози бўлди) вақт келиб бошқаларни талайди ва зарарларини қоплайди ҳам.

Қорақалпоқлар пирамидалар қуришмаган. Улар Пизан минораси ёки Гўр Амир мақбарасини яратишмаган. Икки аср муқаддам бирортаси туғилган кунини (кун нима — йилини) айтиб бера олмасди. Эсимда, ёшим етиб, ҳужжат олиш учун Шўро идорасига борганимизда, бувам тушунтирган: «От йилида туғилганди, ўша йили ҳукумат одамларга этик тақсимлаган». Виктор Гюго минг карра ҳақ: «Жаҳонда кичик халқлар йўқ... Халқнинг буюклиги сонига қараб ўлчанмайди, одамнинг улканлиги ёшига қараб ўлчанмагани каби». Халқим ўз тарихида халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналарини яратган. Ўнлаб достонлар, юзлаб афсона-эртаклар, минглаб топишмоқлар, мақоллар. Бизнинг фахрланадиган бойлигимиз шулар.

Мана шу халқ, менинг халқим энди ўз тупроғидан айри тушиши керак.

Биласизми, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар қандай ўткир вазиятга келиб қолганини? Миллий анъаналар, халқнинг ўзлигини белгилайдиган хусусиятлар ҳақида гапиришмоқда. Мен — Қорақалпоғистонда азалий анъана — авлодларнинг давомийлиги хавф остида қолган бир пайтда нима ҳақда гапиришим мумкин?! Ё биз Оролни қутқарамиз. Ё... ўйлашнинг ўзи даҳшат. Денгизимизда одам яшамайдиган Бўрса Келмас ороли бор. Балки, мана шу оролнинг номланиши эртага бутун Оролбўйига нисбатан ишлатилар? Шундай бўлса, авлодлар эмас, ҳозирги фарзандларимиз кечирмагай бизни.

Мен эколог ёки иқтисодчи эмасман. Мутахассислар ёзувчига кўра муаммоларни яхши билишлари керак. Аммо, ёзувчи исталган бир мутахассисдан фарқли муаммоларнинг узвий боғланиши, уйқашлигини яхши англайди. Адабиёт — мана шу ички, узвий боғлиқликни оддий одам мисолида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, умуминсоний қадриятлар йўналишидан қараганда ер юзида фақат битта муаммо бор — ер юзида, мамлакатда ҳамма нарса ҳаққоний, виждоний бўлиши учун қандай яшаш керак?

Қорақалпоғистон — йироқ. Орол денгизи яқинни ёритувчи чироқ эмас. Эрнест Хемингуэй ўз романига эпиграф қилиб олган Жон Доннинг сўзларини эсланг: «Алоҳида Орол тарзида яралган одам йўқ, ҳаммамиз улкан Қуруқликнинг бир қисмимиз. Агар Тўлқин қирғоқдаги Қоятошни олиб кетса, агар Бурунни денгиз ювиб кетса, ёки сенинг Қасрингни ёки Дўстингникини вайрон этса, билинг Оврупа кичрайгани, ҳар бир Одамнинг ўлими мени ўйлантиради, ахир мен Инсониятнинг бир бўлагиман, демак ҳеч қачон Қўнғироқлар нимага чалиняпти, деб сўрама, у Сенинг учун чалиняпти».

Илтимос, мана шуни унутманглар.

Рўзимбой ҲАСАН ўзбекчалаштирган.

ФИДОЙИЛАР



МОСКВА. Ленин номидаги болалар фонди ташаббус билан Москвадаги баптистлар черкови хори болалар руҳий касалхонаси даволанувчилари ҳузурида концерт беришди. Шу сингари тадбирларни интернатларда, болалар колонияларида ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

СУРАТДА: болалар совғалардан жуда хурсанд бўлишди (чапда).

Р. НЕТЕЛЕВ сурати.

ЛЕНИНГРАД. «Ўз шуҳратингиздан қандай фойдаланасиз?» деган мазмунда томошабинлардан тушган бир саволга СССР халқ артисти Эдита Пьеха жилмайиб жавоб берганди: «Фойдали мақсадларда». Бу сўзларнинг қанчалик тўғрилигини Ленинграддаги 53-болалар уйи тарбияланувчилари тасдиқлашлари мумкин. Улар учун эстрада юлдузи фақатгина хонанда эмас, балки қадрдон дўст ҳамдир. Масалан, улар биргаликда болаларга қишки кийим олишга ёрдам берган «Гостиний двор» коллективи олдида концерт беришганди. Энди эса Латвиядаги Елгава шаҳрига боришни мўлжаллаб турилшибди. Бу ердаги кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган завод болалар уйига имтиёзли баҳода «РАФ» машинаси сотганди, болалар эса ташаккурнома тариқасида концерт беришга ваъда қилишган.

— Бизнинг давримизда бирор «зўр»нинг ёрдамисиз бирор иш қилиб бўлмас эканми, мен болалар учун ўшандай «зўр» ролида бўлишга бажонудил розиман. Негаки, болалар уйи маъмуриятига «Йўқ!» деб жавоб берувчи раҳбарлар менга ундай дейишмайди. Яқинда қизлар учун этик ундирдик, телевизорлар йўқ эди, уни ҳам талашиб-тортишиб олдиқ.

Яқинда Эдита Станиславовна АҚШ сафаридан қайтди. У ерда ўз дўстлари ҳақида сўзлаб бергандан сўнг, америкаликлар унга катта миқдорда пул келтириб беришди. «Болалар уйига топширинг».

Бепоён менинг Ватаним



СУРАТДА: Эдита Пьеха болалар уйида тарбияланувчи юқори синф ўқувчилари билан (ўнгда).

Ю. БЕЛИНСКИЙ сурати. (ТАСС).

Ёшлар ижоди



А. ХИДИРОВ 1960 йилда Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳиясида туғилган. Тошкент политехника институтини тугатди. Айни пайтда Хатирчи ноҳиясининг «Янги ҳаёт» газетасида хизмат қилади.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

НИЯТ

Шоир қалби буюкликнинг куйларини басталар
Ки ҳаётга қайта келсин поклик билан хасталар.
Дил бозори ғовур-ғувур тўйхонаси Шодликнинг,
Гўдакларнинг кулгусига тўлиб турсин расталар.
Халқ йўлига ғов қўйди — гоҳи айёр худбинлар,
Пулга сотар ўзлигини вафосиз ёр худбинлар!
Дўст демагил меҳмон бўлиб келганида ватансиз
Ўйингидан тортиб олса асли беор худбинлар!..
Буюкликнинг тимсолисан, сенинг ўзинг худосан,
Ғоҳо ожиз, хокисорсан — ҳуқуқингдан жудосан!
Майса бўлгин, тош йўлларни ёриб чиққан гиёҳ бўл!
Алплар ўғли — Алпомишсан! Ботир бўлгин мудом сен!..

ШОИР

Сен ҳамон ҳақ сўзинг айтаверасан —
Фарёд қушларининг ини — юрагинг...
Дил уйлари ёпиқ, қайтаверади,
Тинмас қушларингдан ўзинг сўрагин.
Ҳаваслар ер бағир, мақсад — қумурсқа —
Дон топиш ва ҳаёт қолмоқлик — ният...
Қорин оч — самога қандай учасан —
Шоирим мана бу жумбоқ айният!
Замона қасрини қурганлар — қотил,
Қумурсқа ҳисларнинг соҳиби — қурбон.
Онгларнинг ариғи баҳри муҳитдир —
Қамалган туйғулар денгизи —ирфон!
Турфа хил қафаслар бузилсин, синсин —
Мададкор самодан келган бу буйруқ!
Шоирим вулқон бўл — кўкракларни теш —
Ҳайрат лавалари — оловланган ўқ!..

* * *

Муҳаббат уруғи ниш урар мана,
Фикрлар нурланар оний чақиндан!
Одамзот дунёга келади яна —
Ақллар қутилиб тош, темир қиндан...
Қалбларни тарк этар қўрқув қушлари,
Куни туғар дилда қотил Ваҳмнинг.
Баҳорга айланар замон қишлари,
Гиёҳлар даволар руҳий заҳмни!
Исён иси келар намхуш ҳаводан,
Туйғулар бўрони эркалар дилни.
Ваъдалар ёғмагай энди маъводан,
Мўътабар тилаклар ёритар йўлни!
Яхшилар — руҳида чарxланар қилич —
Юрт учун бахш этар саботларини.
Синдирар кенгликлар қадрини билиб —
Торайган самонинг қабатларини!..

Алимардон ХИДИРОВ.

Бир мавзуда икки мактуб

ЯССАВИЙНИНГ ҚОЗОНИ...

XIV асрда яшаб ижод қилган Аҳмад Яссавий ҳақида кўп бор эшитганман ва ўқиганман. У Туркистоннинг (қадимги Яссининг) етук кишиси бўлганлиги маълум.

Халқ орасида унинг «Назир-ниёз қозони» бўлганлиги ҳақида ривоятлар юради. Гўёки 5 тонналик қозон бўлиб, унинг 40 та қулоғи бўлган ва у бу 40 қулоқли қозонда турли таомлар пишириб, халққа тарқатган. Қозон Бокуда қуйдирилиб, Туркистонга олиб келинган дейишади.

Шу йилнинг июль ойида Ленинградга бордим. Меҳнат отпускам вақтида инқилоб бешигини айланиб юриб, Эрмитажга кирдим. Атайлаб қозонни кўриш ниятида эдим. Қозон «Средняя Азия» деган махсус жойда дейишди. Излаб юриб, топдим. Қозонни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдик. Негадир қозон атрофига стол ва стуллар қўйилган. Кейин билсак, у хонада иқтисодчилар ва бухгалтерлар ишлашар экан.

Қозонда бор-йўғи 11 та қулоқ бўлиб, у худди мис самоварнинг қулоғига ўхшатиб ишланган.

Ҳар бир қулоқ орасида кичик-кичик учли қубба ишланган. Улар ораси 70 сантиметр. Қозоннинг баландлиги 1 метру 70 сантиметр экан. Қозон ваза шаклида ишланган. Ердан тахминан 50-60 сантиметр баландликда. Менимча, улкан қозон учун ер ўчоқ қазиш ва уни ўрнатиш қийин бўлганлиги сабабли атрофидан ўт ёқилган бўлиши керак.

Шундай савол туғилади: нега бу қозон Туркистондан Ленинградга олиб кетилган? А. Яссавийга Амир Темур ҳам ҳурмат билан қараб, унга мақбара ўрнатганлиги «Ўзбек совет қомусининг» 1 том 617-бетида ёзилган. Шу қозон жумҳуриятимизга олиб келинса қандай яхши бўларди?

Адҳам МИРСАМИҚОВ,
Тошкент шаҳридаги 155-ўрта мактаб ўқитувчиси.

... ОЛИБ КЕЛИНДИ

«Туркистонда катта тўй бўлар экан. Туркистонликлар дошқозонни уч кунлик тўй-томоша билан кутиб олар экан» деган гап-сўзлар қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолганди. Ниҳоят кутилган вақт ҳам келди. Туркистон тупроғига халқнинг табаррук мероси — Хўжа Аҳмад Яссавий музейининг дошқозони Ленинграддан олиб келинди. Ҳа, эллик тўрт йилдан сўнг ҳақиқат тикланди.

Бу нодир ёдгорлик 1935 йили Ленинградда ўтказилган «эронийлар санъати» кўргазмасига олиб борилганди. Шундан кейинги йилларда Эрмитажда туркистонликлар, тўғрироғи, қарноқлик усталар санъати намойиш қилинди. Неча-неча одамлар усталарга тасаннолар ўқидилар.

Дошқозон 1399 йилда (801 ҳижрий йилда) Амир Темур буйруғи билан Туркистондан 25 километр узоқликдаги Қарноқ деб аталувчи тарихий қишлоқда эронлик моҳир уста Абдил Азиз раҳбарлигидаги маҳаллий усталар томонидан ясалган. Ундан мақсад номозга келганларга сув бериш бўлган. Қозоннинг сиғими уч минг литр экан.

Ҳамманинг қувончи чексиз-у, лекин бир нима мени ташвишга солади. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Қарноқ қаерда?» деган савол туғилди. Ёш авлод Қарноқ номини бутунлай унутиб юбормаса эди, деган хавотирдаман. Чунки 30-йилларда Қарноқ шахсга сиғинишнинг қурбони бўлган. Баъзи бир «шахс»лар тарихий жой номидан шахси зиддиятли бўлган фирқа котиби номини устун қўйдилар. Бу Р. Отабоев, яъни фирқа котиби «душманлар» (!) томонидан ўлдирилганидан кейин юз берди. «Динга, бой-қулоқларга қарши кураш шиори остида қадимий — уч минг йиллик тарихга эга бўлган қишлоқдаги мачитлар, мадрасалар ер билан яксон қилинди (қишлоқда йигирма бешта мачит, тўртта мадраса бўлган). «Иккинчи Бухоро» деб ном олган Қарноқнинг қисмати шундай ҳал қилинган. Ҳаммасидан ҳам халқ ёдгорликлари: мачитлар, мадрасаларга ачинади одам. Дўпписини ол деса, бош оладиганларнинг жамиятга келтирган «фойда»сими бу? Ёки халқимиз инқилобгача ялпи саводсиз бўлган, деган ёлғонларга қурилган сохта далил эдими?

Қарноқнинг номини тикламасак, кейинги авлод олдида гуноҳкор бўлиб қоламиз. Ҳазрати Султон — Хўжа Аҳмад Яссавий музейи ташкилотчилари ҳам буни унутишса, демак, тамом.

Долимжон САЙФУЛЛАЕВ,
ТошДУ талабаси, Чимкент вилояти, Туркистон ноҳияси.

АРХИТЕКТОРЛАР УЮШМАСИДА КЎРГАЗМА

Жумҳурият архитекторлар уюшмасида очилган кўргазма «Ўзбекистонда архитектура таълими — 60 ёшда» деб аталади. Бу ерда бўлажак меъморлар — Тошкент политехника институти архитектура факультетининг ва Самарқанд архитектура қурилиш институтининг студентлари ўз курс ишлари, диплом лойиҳалари, чизган расмларини намойиш қилганлар.

Кўргазманинг мақсади жамоатчиликни икки меъморий мактаб билан, истеъдодли ёшлар билан таништиришдан иборат.



Урганч нон комбинати ишчилари корхонани қайта жиҳозлаш эвазига янги маҳсулот — хоразмча оби нонларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Ҳозирга келиб корхона ишлаб чиқараётган нон маҳсулотларининг тури 30 тага етди.

Комбинатнинг янги чиқараётган маҳсулоти аёлларнинг уйда ёпадиган нонларидан сира ҳам қолишмайди: ширин ва узоқ вақт сақланади.

Комбинат аҳлининг ташаббуси билан Урганчда иккита нон фирма дўкони — «Олтин бошоқ», «Кулча» ташкил этилди. Дўкондан истаган маҳсулотингизни хоҳлаган пайтингизда харид қилишингиз мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Олтин бошоқ» фирма дўконида.
К. ОТАЕВ сурати. (ЎзТАГ).

КУЧ ВА ЁШЛИК

Совет Армиясининг 72 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 45 йиллиги шарафига Тошкентда ҳарбий-спорт байрами бўлиб ўтди. Хуршид кўчасида студентлар, мактаб ўқувчилари, махсус ҳунар-техника билим юртларининг талабалари, ёш ишчилар, бўлажак жангчилар тўпланишди. Уларни уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи-жангчилар, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари табрикладилар.

Спортнинг техника турлари бўйича ДОСААФ спортчиларининг паради ва томошалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ана шундай байрамлар ўтди. Улар армияга чақириш ёшига етмаган йигитларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги катта ва хилма-хил ишларни ривожлантириш учун туртки бўлди. Бир ой мобайнида корхоналар, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда қуролли кучларнинг ветеранлари байналмилалчи-жангчилар билан учрашувлар ўтказадилар, йигитлар эса ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларга бориб, Ватан ҳимоячиларининг турмуши, яшаш шароити ва жанговар таълими билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Лабиҳовузда нима гап?

ЎРТА МАКТАБДА ўқиб, кўплаб муаллимлардан сабоқ олган бўлсам-да, уларнинг жуда камига эътиқод қўйганман. Шулардан бири — адабиётчи устозим, ромитанлик Файзулла Неъматов.

Дорилфунундан кейинги ҳаётим шаҳар билан боғлиқ бўлса-да, ҳафтада, ўн кунда қишлоққа бир бораман. Ҳар гал устозни кўриб, қайтишни канда қилмайман. Тарихни яхши биладиган бу нуроний муаллим, назаримда, шаҳарнинг бир бўлагидек бўлиб туюлаверади.

— Кўпдан буён Лабиҳовуз чойхонасининг хумори тутиб юрибди, — дея хиёл ўйчан сўз бошлайди устоз. — Ҳар икки-уч ойда бир бориб турардим. Қарилик шекилли, бирор йилдан буён шаҳарга тушгани ҳафсала йўқ.

Бу жой навқиронлик пайтларимга сирдош. У пайтлар Лабиҳовуз атрофида катта сайллар бўларди. Айниқса, байрам кезларида турли хил таом ва ширинликларнинг хуштаъм ҳиди кун бўйи димоқдан аримасди. Курашга иштиёқим баланд эди. Бухороча усулда гиламга тушардим. Мусобақа бўладиган кунлари тонгданоқ ҳовуз майдонида кураш гиламлари ёйиб қўйиларди. Мақсад — бугун кураш бўлишини одамлар билсин. Тумонат одам йиғиларди. Эҳ-ей, мухлислар ўз полвони билан бирга қалқирди. Эртага кураш деган куни шундоққина ҳовуз ёнидаги Кўкалдош мадрасаси ҳужраларига бориб жойлашардик. Ҳақиқий кураш бўларди. Беллашувларда кўп бор ғолиб чиққанман. Ҳакамлар одилликларини айтмайсизми? Меҳнатинг зое кетмаган жой сен учун қадрли, меҳри иссиқ бўлади, дейдилар. Халқимизда «пешонангга ёзилганини кўрасан», деган нақл бор. Назаримда, Лабиҳовуз — Бухоронинг пешонасига ўхшайди.

Ўзим билган кураш усталарини, одил ҳакамларни баъзан хотирлаб қоламан. Улар ҳалол эдилар, пок эдилар. Ғирромлик уят саналарди. Ор устунлик қиларди. Билаги зўрларга ҳасад эмас, ҳавас қилар эдилар. Гўё улар ҳозир ҳам Лабиҳовузни тарк этмагандай. Фавворалар биллур томчилар билан юваётган кекса чинорлар ҳозиргина курашдан терлаб чиққан, қоматлари нордай полвонларни эслатади.

Талабалик йилларим ҳар куни бўлмаса-да, кун ора дарсдан сўнг Лабиҳовуз чойхонасига чой ичгани келардим. Ҳар келганимда газета ўқиб турган қария диққатимни тортарди. Бўлғуси филолог сифатида менинг ҳам қўлимда газета-журналлар бўларди. Чойхонада иссиқ чой лаззатидан мириқиб, газета ўқиш менга хуш туюларди. Бир куни атайлаб газета ўқиётган чолга яқинроқ ўтирдим. У газеталарни синчиклаб ўқиди. Пиёладаги совиб қолган чойини хўплаб ичди. Ўрнидан қўзғалаётиб, газеталарни кўрпача устида қолдириб кетди. Орқасидан: «Отахон, газетангизни унутдингиз», дедим. Чол ўзини эшитмаганга солиб кетди. Шундан кейин яна уч-тўрт худди ўша аҳволни кузатдим. Бир куни отахоннинг кетидан атай мен ҳам қўзғалдим. Қария дам олиш майдончасига ўтди. Кўпчиликка мўлжалланган узун ўриндиқнинг бир чеккасига бориб ўтирди. Узоқ хаёл сурди. Бироз вақт ўтказиб, ёнига бориб ўтирдим. У Бухоронинг кекса, зиёли кишилардан бири экан. Чолнинг бироз қулфи-дили очилгач, ўша одатининг боисини сўрадим.

— Одамлар менинг бу одатимни мияси айниб, қариб қолганга чиқаришади, — деди у. — Чойхона — одамларнинг ишдан сўнг ҳордиқ чиқарадиган маскани. Кимдир кўк чой таъмидан ҳузур қилса, кимдир шахмат-шашка ўйнайди. Яна кимдир газета варақлайди. Афсуски, чойхонага газета кўтариб келаётганларни кам кўраман. Икки-уч киши ўтириб ораларида йўқ кишининг гапини қилишади. Газеталарни атайлаб қолдираман. Зора, мендан кейин ҳам бир-икки киши вақт ўтказиш учун бўлса-да, варақлаб кўрса дейман. Шундай бўлса, бу газеталар керак бўлмасидан олдин яна кимгадир нафи тегарди.

— Ўша отахонни ҳеч унутолмайман, — дея сўзини давом этди суҳбатдошим. — Улар чинакам ақл-заковат эгаси эдилар. Илм-маърифат маркази бўлган Бухоро мадрасаларидан етишиб чиққан бундай одамлар кўҳна диёримизнинг ҳар бир тошидаги сир-синоатдан воқиф эдилар.

Бир пайтлар дам олувчилар-у, зиёратчи сайёҳларнинг оқимидан кеча-кундуз гавжум бўлган бобо Кўкалдош бугунги кунда ҳувиллаб ётибди, деб эшитаман. Садриддин Айний, Аҳмад Дониш, Махтумқули, Жалол Икромий сингари илму-адабиёт дарғалари таҳсил олган бу масканнинг ғариб ва ночор туриши ҳар қандай тош юракни эритиши, жамоатчиликни бефарқ қолдирмаслиги лозим эди. Холбуки, зилзила оқибатида дарвоза пештоқининг озроқ дарз кетганлиги туфайли Лабиҳовуз томонга қараган мадраса дарвозасининг тамбалаб қўйилганлигига ҳам мана 5-6 йил бўлибди.

Файзулла бобо чуқур хўрсиниди-да, тағин сўзида давом этди:

— Шаҳарда яшайсиз, ука, касбингиз шуни тақазо этади. Йиғинларда айтинглар, газетага ёзинглар. Ишқилиб, Бухорони асранглар! Вақти-вақти билан Лабиҳовузга ҳам ўтиб туринг. Одамларнинг яшаш тарзини, аниқроғи, кайфиятларини шу ердан кузатса бўлади.

ЛАБИҲОВУЗГА бормайман эмас, кўп бораман. Тасаввуримга сингиб қолган «газетачи» чолни излайман. Тўғри, баъзилар чойхонадаги бўш вақтида у-бу ўқишади. Улар ҳам нашрларнинг у бетига, бу бетига лоқайд кўз югуртирадиганлар хилидан. Ишдан сўнгги ҳордиқ учун борсангиз, дилингиз оғриб қайтасиз. Оқшомги қорин тўйғазиш ташвишида кимнингдир чала қолган овқатини мўлжаллаб, унинг тезроқ қўзғалишини кутиб турганлар ҳам оз эмас. Кимдир маст-аласт. Кимдир бир чойнак чой учун ўн тийин сўраб сизга илтижоли боқиб туради. Доимий келиб-кетувчи юпунларнинг қўйнига қўл солиб кўринг. Қат-қат ҳасрат. «Пенсия пули етмайди», «Фарзандлар ўз йўлида», «Қадримга йиғлайман, ука...»

— Биз, ўзбекларни ота-онамиз ёшлигимиздан: «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар», деб сабр-қаноатга ўргатиб келганлар, — чойхўр ҳамсуҳбатимнинг худди шундай бошланган жўяли гапларига қулоқ тутаман. Чидайвериб назаримда сабрлар ҳам қатлам-қатлам бўлиб кетганга ўхшайди. Ҳар бир қатлами авра-астарли. Садо чиқадиган жой қолдирилмаган. Шу нақлга ота-боболаримиз адашишганликлари рост. Йўқ, балким адашишмаган. Бу дунё доим мудом вафоли, одамлар бир-бирига меҳр-шафқатли бўлиб ўтади, деб ўйлашган бўлсалар улар гуноҳкор эмас. Менимча, биз аждодларимиз юзига оёқ қўйдик. Сиз ҳам кичик эмассиз. Ақлингиз олади. Бировнинг бир кун зиёдроқ сабри, бировнинг бир йиллик ютуғи бўладиган замон бўлди. Сабр қилавериб ўзимизни хароб қилдик. Боя айтганимдек, сабр қатламларининг ҳар бир қати эндиликда асорат, оғриқ бўлиб чиқди. Кўрдингиз, турғунлик йиллари деб ном олган бу асоратдан йўғонлар чўзилди, ингичкалар узилди. Афсуски, баъзилар ниқобларини дарҳол ўзгартирдилар. Илгари бюрократни, қаллобни билардик, танирдик. Энди-чи, улар қайта қуриш, ошкоралик ниқоби остида соатлаб ваъз айтадилар. Бу ваъзлар ботқоққа ботган машинани чиқариш учун елкаси билан тираб итараётганлар орасида ёлғондакам елка тутиб турган кишининг ҳаракатига ўхшайди.

— Қарийб ўн йилдирки, дўхтурларга қатнайман, — Шофиркон ноҳиясининг чекка бир қишлоғидан катта шифокорларга кўриниш учун шаҳарга тушган янги суҳбатдошимнинг чеҳрасига ялт этиб қарадим. Рангининг ости заҳил. Секин сўрадим. — Нима безовта қилади?

— Жигарнинг мазаси йўқ, ука. Устма-уст сариқ бўлдим. Шифо истаб бормаган жойим қолмади. Кор қилмаяпти. Қуриб кетгур дефолюциядан олганман. Беш йил самолёт йўлига байроқ кўтариб, йўл кўрсатувчилик қилдим. Мени қўйиб туринг, янгангизни ҳам кўнгли ярмта. У ҳам шу фалокат касаллик билан оғриган. Болалар даладан териб келган ўтни молга бериш учун «дори ҳиди йўқмикан», деб ҳидлаб кўравериб, ўзига шу касални орттирди. Ўша йиллар шундай қилмаса ҳам бўлмасди. Юзлаб моллар шишиб ўлди. Битта сигир битта рўзғорни юргизарди. Қолаверса, моли-жон деганлар.

Гап мавзуси тўғри келиб суҳбатимизга қўшилган кишининг сўзи ҳаммасидан ўтиб тушди.

— Бундан икки йилча олдин Иркутск шаҳрига йўлим тушди, — дейди у. — Шаҳар қўналғасидаёқ бошимдаги ола дўппига бегонасираб тикилаётганликларини сездим. Парво қилмай қўлимдаги адрес бўйича мўлжал олаётган эдим, тилла тишли учувчи йўлимни тўсди. «Ўзбекистонданмисан?», — деди у ўз тилида.

— Ҳа, — дедим фахрланганнамо.

— Юртдошларинг омонми? — деди у яна секинроқ овозда. Аввалига бирор танишини суриштираётган бўлса керак, деб ўйлабман. Кейин фаҳмига етдим. Нега, бундай хавотирнамо сўраётганлигининг боиси билан қизиқдим.

«Ўн йиллар Ўзбекистонда дефолияция мавсумида қатнашганман, — деди учувчи ердан кўзини узмай. — Эҳ-ей, қанча-қанча дозали дориларни пахтага қўшиб, атрофдаги боғ-роғ демай сепганмиз. Ўшанда, йиллар ўтиб, бу юртга қирон келса керак, деб ўйлардик. Албатта, ачинардик ҳам. Аммо олдимизда ўз одамларингиз бўларди. Ғўза баргини тезроқ тўктириш учун улар дорини такрор сепишимизни илтимос қиларди. Дозасининг ўткирроқ бўлишини сўрашарди. Бунинг эвазига тансиқ таомлар билан сийлашарди...»

Ўшанда тилла тишли учувчини тутиб олиб бўғгим келганди. Фақат, рост сўзлагани учун ўзимни босдим. Олдимизда ўз одамларинг бўларди, деб у юзимга солиб қўйганди. Юраги тўлганнинг ҳасратини сўр деганларидек нотекис йиллар дил оғриқларини қоғозларга юм-юм йиғлаб айтдик. Чунки биз ақлимизни таниган пайтлар аждодларимиз дардларини айтган қудуқлар аллақачон кўмилиб ташланган эди.

ЯҚИНДА баъзан-баъзан ўз ҳимматим билан қўлига 15-20 тийин тутқазиб кетадиганларимдан бири берган йигирма тийинимга яна беш тийин қўшишимни илтимос қилиб сўради.

— Чой олсангиз етади-ку? — дедим ранжиганимни сездириб.

— Мен бунга нон оламан, болам. Эртани ҳам бир амаллаб ўтказсам, пенсиям келади. Соғ-омон етсам, ҳаққингизга дуо қиламан.

Кейин суриштириб билсам, чиндан ҳам кооператив новвойхоналарда яқин кунларгача 13 тийин бўлган бир дона юпқа нон 25 тийинга кўтарилган экан. Салкам икки баробар-а!

— Э, замонангдан ўргилдим, — деди суҳбатимизга қулоқ тутиб турган қариялардан бири. Ўрта яшар бир одам нон-чойи билан 2 сўмдан ортиб тушган овқатдан қорни тўймаганлигидан нолиб қолди.

Бу гапларни Файзулла бобога айтишга ор қиламан, уяламан. Яқинда яна уйларига ўтдим. Домла ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигидан мамнунлигини айтиб суҳбат бошлади.

— Қишлоғимиздаги Сашалар — Сувонга, Мишалар — Мирзога, Аликлар — Алишерга, Жоралар — Жалолга тағин қайтадиган бўлибди-да, — дедилар киноя аралаш.

Тўғриси, домланинг кўзига тик қарай олмадим. Кўз олдимдан биз тенги ва биздан каттароқ қорақош, қоракўз йигитларнинг, ҳатто баъзи қизларнинг чап қўли бош бармоғи тепасига тушга ботирилган игна билан ўйиб ёзилган исмларнинг бош ҳарфи ёки тўлиқ қилиб битилган Миша, Саша, Женя, Федя, Алик ва ҳоказолар бот-бот ўтиб эзилиб кетдим. Кўкракларига, билакларига ёзилган эҳтирос аралаш вафолар таскини — Светалар, Машалар, Настяларни айтмайсизми?

«Энг муқаддас жой — парта, энг жасур одам — ўқитувчи», деб ёзган эди таниқли болалар адибларидан бири. Унча ишонқирамагандим. Яқинда бунга иқрор бўлдим. Файзулла бобо қуюқ суҳбатимиз орасида кўкрак чўнтагидан қоғозга ўндан зиёд исмлар қайд этилган рўйхатни кўрсатди. Мана улар: Ирода, Мўмин, Қобил, Қаноат ва ҳоказо. Ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин домланинг ўзлари изоҳладилар. «Қари билганни пари билмас», деб бежиз айтишмаган экан. Домла анчадан буён ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир кузатув олиб бораётган эканлар. 1980-83 йилларда туғилган болаларга энг кўп юқоридагига ўхшаш исмлар қўйилган экан.

— Боисини биласизми? — деб сўрадилар домла. Узоқ сукутимдан сўнг, ўзлари давом этдилар.

— Шу йиллар инсон иродасига, қаноатга таянган йиллар бўлди. Бу йилларда кўплар мўминқобилликни хислат деб билдилар.

Бу гал ҳам домлага тайинли гап айтолмадим. Энди тузук бўлар, дея олдим, холос.

— Бу ёғи тузук бўлишини биламан, — дейди домла. — Бахтларингга дориламон кунлар келди. Қайта қуриш олиб келди бу кунларни. Ҳаммаси янгидан бошланаяпти. Қайта қуриш — ҳалоллик, поклик, эътиқод ва диёнат ҳакамидир. Аслида бу ҳакам аввал ҳам бор эди. Виждон эди унинг оти. Турғунлик йилларида у четга суриб қўйилди.

Мен келажак авлодни, ҳозирги ўсмирларни ота-боболаримиз удумларини ўрганишга қайтишга даъват этаман. Кексаларга яқинроқ боринг. Улар ғанимат. Улардан кўплаб инсоний фазилатларни ўрганиб олмоқ шарт.

Дилмурод ЖАББОРОВ.
Бухоро вилояти.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ВОСМАХОНАСИ
Д. — 2316.
Р — 01035.


24 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

17.30 «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ». Телефильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Петя ва Қизил Шапкача», «Болтадан тайёрланган бўтқа». Мультфильмлар. 18.30 «Объективда — қайта қуриш». Бевосита мулоқот. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёзувчи ва замон». Ишчи кадрлар муаммолари ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақсларим — умрим мазмуни». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Дилбар Юнусова. 21.20 «Оққушлар қаерда қишлайди». Телефильм. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Нодар Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 3-қисм. 23.25 Янгиликлар. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Асосий масала». Бевосита мулоқот. Фрунзе шаҳар ижроия комитетининг раиси А. М. Муралиев ва ноҳия ижроқўмларининг раҳбарлари иштирок этадилар. 23.00 Ҳужжатли фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Шумтака мушукча». Мультфильм. 9.05 «Мария». Ҳужжатли фильм. 9.45 «Ўтмишга дахлдор». Телевизион бадиий фильм 1-серия. 10.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Швебеш Халль шаҳрида қудуқ ёнида сомса байрами» (АРД. ГФР). 11.30 «Тарихдан имтиҳон». Ҳужжатли фильм. 12.00 «Оламга саёҳат». Альманах. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 А. П. Чехов театри. «Уч опа-сингил». М. Горький номли Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 16.55 «Мусиқий хазина». С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр учун 2-концерт. 17.35 «Муму». Мультфильм. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 20.00 «Аждаҳо ва қуёш». Мультфильм премьераси (Молдовафильм»). 20.15 «Ўтмишга дахлдор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Турар-жой-2000» ҳаракати. 3-кўрсатув. 22.10 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». 23.25 «Владимир Висоцкий. Монолог». 00.25 «Қайта жиҳозлаш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Экология ва саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш муаммолари ҳақида (Олмаота).

● МТ II

9.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 3-синф. Арча мўъжизаси. 10.05 Немис тили 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 7-синф. А. М. Горький. «Болалик». 12.05 «Денгиз ҳайвонлари маконида». Илмий-оммабоп фильм.

* * *

13.05 «Қўшиқ ҳадя этаман». Фильм-концерт премьераси (Қозон). 13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Нон азиз». 2-серия. 17.30 «Пингвинча Лоло». Мультфильм. 3-фильм. 18.00 «Мустейка қишлоғи қиссалари». Ҳужжатли фильм премьераси (Литва киностудияси). 18.10 Джаз куйларидан концерт. «Бумеранг» ансамбли. Олмаотадан кўрсатилади. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 Духовой чолғулари оркестри чалади. 19.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 20.45 «Қойил, Мария!». БССРда хизмат кўрсатган артист М. Гулигина ижоди ҳақида. 22.00 МТ хазинасидан. «Само қалдирғочлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.05 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК 2 ва 3-даврлар.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.